O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY BIBLIOTEKA PALATASI
INV.№

УШБУ СОНДА:
2 Антиқа қарор
3 Никоҳ
XXI АСР НАФАСИ — воқеалар, хабарлар, тафсилотлар
4 “ДЕНГИЗ ЧАҚМОҒИ”

MEZON:

Ипотека ипотека билан таъминланадиган мажбурият бўйича қарзнинг асосий суммаси ипотекага олувчи тўлиқ ҳажмда ёки ипотека тўғрисидаги шартномада назарда тутилган қисми тўланишини таъминлайди.

Кредит шартномаси ёки қарз шартномаси бўйича мажбуриятларнинг ижросини фоизлар тўлаш шарти билан таъминлаш учун белгиланган ипотека кредиторга (қарз берувчига) кредитдан (қарз маблағларидан) фойдаланганлиги учун унга тегишли керак бўлган фоизлар ҳам тўланишини таъминлайди.

Агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ипотека ипотекага олувчига тегиши керак бўлган:

ипотека билан таъминланган мажбуриятни бажармаганлик, бажаришни кечиктириб юборганлик ёки ўзга тарзда лозим даражада бажармаганлик оқибатида келиб чиққан зарарларнинг ўрнини қоплайдиган ва (ёки) неустойка (жарима, пеня) тариқасидаги суммалар;

суд чиқимларини ва ундирувни гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиш туфайли келиб чиққан бошқа харажатларни қоплайдиган суммалар;

гаровга қўйилган мол-мулкни реализация қилиш харажатларини қоплайдиган суммалар ҳам тўланишини таъминлайди.

Агар ипотекага олувчининг ипотека билан таъминланган талабларининг умумий қатъий суммаси ипотека тўғрисидаги шартномада кўрсатилган бўлса, қарздорнинг ипотекага олувчи олдидаги мажбуриятларининг ана шу суммасидан ортиқ қисми ипотека билан таъминланган деб ҳисобланмайди, ушбу модда учинчи қисмининг иккинчи ва тўртинчи хатбошларида ёки ушбу Қонуннинг 8-моддасида кўрсатилган талаблар бундан мустасно.

ИПОТЕКА ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН 7-МОДДА

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ва ҚОНУН

№ 6 (513) 2007 йил 13 февраль сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

Уй-жой мулкдорлари

уларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш кафолатлари

Ҳозирги даврда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар натижасида уй-жой мулкдорлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида тегишли ҳуқуқий базасини мустаҳкамлашга янгича ёндашувни кузатиш мумкин. 1999 йил 1 апрелда кучга кирган Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар жамиятни янгилаш ва демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилиш шароитидаги ижобий ўзгаришларни қонунчиликка сингдиришга қаратилган фаолият сифатида баҳолаш мумкин.

2006 йил 30 декабрдаги Олий Мажлис Сенатининг саккизинчи ялпи мажлисида Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик, Уй-жой кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳамда «Давлат уй-жой сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»**ги қонуни маъқулланиб, 2007 йил 8 январда кучга кирди.

Ушбу қонунга биноан, уй-жой фондини, кўп квартирали уйдаги мулкни бошқариш, сақлаш ва таъмирлашга, кўп квартирали уйлар мулкдорларининг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, коммунал хизматлар ва кўп квартирали уйдаги турар жойлар, яшаш учун мўлжалланмаган жой эгаларининг умумий мулкдаги улушига, умумий мулкни бошқариш бўйича ва бошқа хизматларни кўрсатувчи корхона ҳамда ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликка боғлиқ қоидалар қайта белгилаб берилди. Қонун уй-жой фондини сақлаш ва хизмат кўрсатиш тизимига бозор механизмини жорий этиш орқали уни самарали бошқариш ва яхши сақланишини таъминлаш ҳамда мазкур муносабат субъектларининг ўзаро манфаатдорлигини таъминлаш асосида ишлаб чиқилгани билан муҳим аҳамиятга эга.

Қонун бешта моддадан иборат. Унинг 1-моддаси 1995 йил 21 декабрда ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 211-моддаси ва 219-моддасига ўзгартиш киритишни назарда тутади. Мазкур ўзгартишлар 2006 йил 12 апрелда **«Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»**ги қонун қабул қилингани муносабати билан киритилмоқда. Бунда Фуқаролик кодексининг тегишли моддаларини янги қонун нормалари мазмунига мувофиқлаштириш талаб этилади. Хусусан, **«Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»**ги қонуннинг 28-моддасида кўп квартирали уйдаги умумий мол-мулкнинг ҳолати ёки таркиби белгилангани ва Фуқаролик кодексининг 11-моддаси мазмунини 28-моддадаги қоидалар мазмунига мувофиқлаштириш орқали қонунчиликда юзага келиши мумкин бўлган тушунмовчиликларнинг олдини олади. Шунингдек, Фуқаролик кодексининг 219-моддасининг номига ва биринчи қисмига киритилаётган ўзгаришлар модданинг амалдаги номланиши — “Улушли мулкдаги улушларни аниқлаш” янги таҳрирда аниқлаштирилиб “Улушли мулкдаги умумий мол-мулкка эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш” тарзида баён этилгани қонунчилик жараёнида ва қонунийликни таъминлашда уни бир хил тушуниш ҳамда қўллашга имкон туғдиради.

(Давоми учинчи бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ

2007 йил 12 февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов маъруза қилди.

Давлатимиз раҳбарининг маърузасида ислоҳотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш чора-тадбирларини изчил амалга ошириш натижасида иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатлари, инфляция даражасининг пасайиши ва халқ фаровонлигининг ошиши тенденциялари мустаҳкамланганлиги қайд этилди.

2006 йил якунлари бўйича ялпи ички маҳсулот 7,3 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 10,8 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,2 фоизга, пулли хизматлар кўрсатиш 19,3 фоизга, пудрат қурилиш ишлари 12,8 фоизга ўсди.

Республика иқтисодиётига жалб этилаётган хорижий инвестициялар, энг аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этиш ҳисобига амалга ошириш, иш ҳақлари ва аҳоли турмуши сифатини муттасил ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун қулай иш муҳитини яратиш, хусусий мулкчиликни мустаҳкамлаш, банк-молия тизимида ва коммунал хўжаликда ислоҳотларни чуқурлаштириш ана шулар жумласидандир.

Мажлисда кун тартибидаги масалани муҳокама қилиш давомида Бош вазир ўринбосари Э.Шоисматов, «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси раиси Р.Рўзиқулов, Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмаси раиси М.Фофуров, Давлат солиқ қўмитаси раиси Б.Парпиев, Давлат божхона қўмитаси раиси С.Носиров, республиканинг бир қатор идоралари раҳбарлари ва вилоятлар ҳокимларининг ҳисоботлари эшитилди.

Мажлисда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎзА)

Xabarlar

Адлия вазирлигида

Шу йил 10 февраль куни Адлия вазирлигининг кенгайтирилган Ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири Ф.Отахонов бошқарди. Ҳайъат мажлисида 2006 йил давомида адлия идоралари томонидан амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинди, йўл қўйилган камчиликларга танқидий баҳо берилиб, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифа ва йўналишлар белгилаб олинди.



Ҳайъат мажлисида адлия органлари томонидан ўтган йил давомида жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялашга қаратилган 100 га яқин қонун ҳужжатлари лойиҳалари тайёрланганлиги, 1000 дан ошиқ ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун тақдим этилган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларига ҳуқуқий хулосалар берилиши таъминланганлиги таъкидланди.

Шунингдек, мазкур соҳага услубий раҳбарлик қилиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган ишларни жонлантириш зарурлиги, шу билан бир қаторда тизимга кирувчи баъзи адлия органлари маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив хусусиятга эга бўлган қарорлари лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш амалиётини жорий қилишда сусткашликка йўл қўяётганлиги танқидий кўриб чиқилди.

Ҳайъат мажлисида Адлия вазирлигининг асосий вазифаларидан бири бўлган мамлакат аҳолисининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. 2006 йилда вазирлик томонидан 36 мингдан ортиқ ҳуқуқий тарғибот ишлари амалга оширилган бўлиб, бу кўрсаткич 2005 йилга нисбатан 11 фоизга кўтарилган. Лекин ҳуқуқий тарғибот ишларининг олиб борилишида ҳамон сифат кўрсаткичи муҳим бўлиб қолаётганлиги, бу ишларнинг самарадорлик даражаси пастлигича қолиб кетаётганлиги, янги қабул қилинаётган қонун ҳужжатларини жойларга етказиш ишларини ташкил қилишда жиддий камчиликларга йўл қўйилаётганлиги, айрим адлия органлари тарғибот борасидаги фаолиятини жонлантириши лозимлиги алоҳида қайд этиб ўтилди.

Мажлисда қайд этилдики, вазирлик томонидан ўтган йил мобайнида нотариат, ФХДЁ ва адвокатура идоралари фаолиятини такомиллаштириш борасида сезиларли ишлар амалга оширилган. Ҳисобот даврида 2 миллион 800 мингга яқин нотариал ҳаракатлар амалга оширилган, 900 мингдан ошиқ фуқаролик ҳолати далолатномалари қайд этилган ва 300 мингдан ошиқ адвокатлик хизматлари кўрсатилган, яъни аҳолига ҳуқуқий хизмат кўрсатиш соҳасидаги ишлар кўрсаткичи 2005 йилга нисбатан 10 фоизга ўсган. Шундай бўлишига қарамай, бу соҳада бартараф қилиниши лозим бўлган ҳолатлар мавжудлигига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. Хусусан, республика нотариуслари томонидан расмийлаштирилган нотариал ҳаракатларнинг баъзилари йўл қўйилган хато ва камчиликлар учун судлар томонидан бекор қилинганлиги мазкур соҳа ходимларининг ўз ишларига бўлган масъулиятини кучайтиришни талаб қилиши уқтирилди.

Ўтган йил давомида адлия органлари томонидан тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, хорижий инвесторлар ва чет эл инвестициялари жалб қилинган корхоналарнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кўзлаб судларга киритилган даъво аризалари сони 2005 йилга нисбатан 24 фоизга, таъсир чоралари сони эса 41 фоизга ошганлиги адлия органларига нисбатан фуқаролар ишончининг ортиб бораётганлигини кўрсатади. Шундай бўлиши билан бир қаторда, келиб тушаётган мурожаатларга ҳуқуқий тушунтириш бериш билан чекланиш, бу мурожаатларни назоратга олмаслик каби ҳолатлар мавжудлиги ва келажакда бундай ҳолатларни бартараф қилиш лозимлиги таъкидланди.

Мажлисда қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот етказиб бериш бўйича 300 мингдан ортиқ шартномаларни тузиш жараёнида ҳам адлия органлари бевосита иштирок этиб, республикамизда шартнома интизомини мустаҳкамлашга ўз ҳиссасини қўшганлиги қайд этилди.

Бундан ташқари, юридик шахслар, шу жумладан, нодавлат нотижорат ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказишда қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилинишини таъминлашга қаратилган аниқ тадбирлар амалга оширилиб, ўтган йил давомида 250 та хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар, 400 та юридик шахслар бирлашмаси, 39 та бозор, 9 та аудиторлик ташкилоти ҳамда 12 та ломбардлар давлат рўйхатидан ўтказилган.

Халқаро ҳуқуқий муносабатларда Ўзбекистон Республикасининг манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш мақсадида ўтган йил вазирлик томонидан 47 та кўп томонлама ва 148 та икки томонлама халқаро шартномалар лойиҳалари бўйича ҳуқуқий хулосалар берилганлиги, аммо бу борада хорижий давлатларнинг тажрибасини ўрганишни кучайтириш лозимлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳайъат мажлисида 2006 йилда адлия органлари томонидан йўл қўйилган камчиликларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар белгилаб олинди. Шу билан бирга мамлакатни ислоҳ қилиш ва янгилашнинг ҳуқуқий базасини тизимли равишда такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, “Ижтимоий ҳимоя йили” Давлат дастурида белгиланган тегишли вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш, янги қабул қилинаётган қонун ҳужжатларини жойларга етказиш ишларини яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга қаратилган тарғибот ишларини кучайтириш ҳамда адлия органлари фаолиятини янада мукаммаллаштиришни назарда тутувчи 2007-2008 йилларга мўлжалланган Адлия вазирлигининг Ҳаракат дастури қабул қилинди.

Анжуман

Адлия вазирлигида 2007 йил 6 февраль куни Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалга оширилиши устидан мониторинг қилиш маркази томонидан семинар ўтказилди. Тадбир ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари фаолиятида тадбиркорликка оид қонун ҳужжатларининг амалга оширилиши устидан ўтказилган мониторинг натижалари муҳокамасига бағишланди.

Семинарни Адлия вазирининг ўринбосари — Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалга оширилиши устидан мониторинг қилиш марказининг директори Ҳ.Исоқов олиб борди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси, Бош прокуратура, Давлат божхона қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги ҳамда бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларининг, шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этишди.

Маълумки, давлатимиз раҳбари томонидан тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Пировардида тадбиркорлар мамлакатимиз иқтисодиётининг асосий таянчига айланмоқда. Рўйхатга олинган ва фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари сонининг мунтазам ортиши, мамлакат ялпи ички маҳсулотида кичик бизнес улушининг ўсиши, қўшимча иш жойларининг яратилиши, аҳоли фаровонлигининг ошиши тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга йўналтирилган самарали давлат сиёсатининг натижаларидир.

Давлат томонидан тадбиркорлик соҳасидаги сиёсатнинг изчил ва оғишмай амалга оширилиши тадбиркорлик тузилмалари фаолиятини ташкил этиш ва уларнинг хўжалик масалаларини ҳал қилиш механизмларининг қонунийлиги, адолатлилиги ва самарадорлигини таъминлашга масъул бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари фаолиятига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Мазкур масаланинг муҳимлигидан келиб чиқиб, Мониторинг маркази томонидан ушбу органлар фаолиятида тадбиркорликка оид қонун ҳужжатларининг амалга оширилиши устидан мониторинг ўтказилди.

Семинарда тадбиркорликка оид қонунчилик базасини тадқиқ этиш, тегишли статистик ва бошқа маълумотларни таҳлил қилиш, тадбиркорлар ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларининг ходимлари ўртасида ижтимоий сўров ўтказиш, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари фаолиятини ўрганиш орқали ўтказилган мониторинг натижалари муҳокама қилинди.

Мониторинг натижалари сўнгги йилларда Президент томонидан ҳуқуқий таъсир чораларини суд орқали қўллаш тартибини жорий этиш, хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни эркинлаштириш, текширишлар ўтказиш ва ҳисобот тақдим этиш тизимини тартибга солишни назарда тутувчи қатор фармон ва қарорларнинг қабул қилиниши тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришда муҳим босқич бўлиб хизмат қилганлигини, тадбиркорлик билан шуғулланиш шарт-шароитларининг жиддий яхшиланганлигини, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат тузилмаларининг фаолиятида катта ижобий ўзгаришлар ясаганлигини, уларнинг тадбиркорлик субъектларига нисбатан таъсирини камайтирганлигини кўрсатди. Шу билан бирга, бу борада айрим муаммолар мавжуд. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашиш ва асоссиз, ноқонуний текшириш ўтказиш фактлари ҳали ҳам учраб турибди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида тадбиркорлик субъектларига нисбатан айблов нуқтаи назари билан иш тутиш қайфиятидан тўлалигича халос бўлингани йўқ.

Мониторинг жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли чора-тадбирлар амалга оширилган. Хусусан, тадбиркорликнинг қонунчилик базасини янгилаш ва ривожлантириш, ушбу соҳада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларининг ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Тақдим этилган мониторинг натижалари семинар иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Сўзга чиққанлар мониторинг бугунги кундаги ўта долзарб ва муҳим масала юзасидан ўтказилганлигини, мазкур мониторинг катта профилактик таъсирга ҳам эга бўлганлигини таъкидлашди. Бинобарин, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятига баҳо берувчи самарали тизимнинг мавжудлиги қонунчиликка мувофиқ келади ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, давлат тузилмаларининг ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги камчиликларни бартараф этишга хизмат қилади.

Семинарда тадбиркорлик соҳасидаги қонун ҳужжатларининг амалга оширилиши устидан мониторингни такомиллаштириш бўйича билдирилган бир қатор тавсиялар муҳокама қилинди.

Адлия вазирлиги ахборот хизмати

Tahlil va saboq

Биз сизга елкадошмиз, сиз-чи?..

ёхуд 2007 йил обунаси ҳақида аччиқ, аммо очиқ гаплар

Одатда, ҳар бир инсон йил бошида ёки якунида ўтган йил давомида амалга оширган эзгу ишларини сарҳисоб қилади. Деҳқончасига айтганда, дўппини олиб қўйиб, бир пиёла аччиққина кўк чой ичиб, қандай эзгу амалларни рўёбга чиқарди-ю, яна қай ишлари чала қолиб кетганини таҳлил қилади. Жумладан, турли ташкилоту идоралар ҳам шу йўсин иш тутади. Амалга оширилган ва оширилиши керак бўлган юмушларини сарҳисоб қилиб, янги йил режасини тузади. Албатта, бу одат “Инсон ва қонун” ҳуқуқий газетасига ҳам хос. Шунинг учун ҳам биз аввалги сонларимизда газетхонларга ўтган йилда таҳририят ходимлари амалга оширган ва янги йилда режалаштирган ишлар ҳақида ҳисобот-мақола эълон қилган эдик. Бугун яна айнан ушбу мавзуга қайтишимизга эса айрим арзирли сабаблар борки, бунга мақолани ўқиш жараёнида ўзингиз ишонч ҳосил қиласиз.

Одатда таҳририятга мактуб йўллаган газетхонларимизнинг ариза-шикоятлари асосида тайёрланадиган “Одамлар нега шикоят ёзади?” сарлавҳали туркум мақолаларимизда айрим юртдошларимиз маҳалла, туман, борингки, вилоят миқёсида ҳал қилиш мумкин бўлган кичик муаммолар хусусида ҳам таҳририятдан ёрдам ёки маслаҳат сўраб мурожаат қилишлари ҳақида такрор-такрор ёзганмиз. Лекин барибир таҳририят хатқутисига келиб тушаётган шикоят-аризаларнинг аксарият қисмини ана шундай мактублар ташкил қилади.

Шу ўринда “Хўш, нега шундай”, деган ҳақли савол туғулиши табиий. Биз бугун айнан ана шу саволга жавоб топиш мақсадида ушбу мақолани ёзишга жазм этдик.

Келинг, аввало аризабозлик келиб чиқишига сабаб бўладиган омиллар хусусида тўхталиб ўтайлик.

Биринчидан, жойларда аризабозлик кўпайишига кўп ҳолларда маҳаллий раҳбарларнинг фуқаролар арз-додига бефарқлиги сабаб бўлади. Ўз саволи ёки аризасига маҳаллий раҳбарлардан керакли жавобни ололмаган фуқаролар ноилож юқори ташкилотларга шикоят қилишга мажбур бўлади.

Иккинчидан, айрим ҳолларда томонларнинг манфаати тўқнаш келиши натижасида ҳам шикоятбозлик тегирмонига сув қўйилади. Бундай пайтда кимнингдир панасида турган “élланма ёзувчи”лар ишга солинади. Қанчалик ачинарли бўлмасин, фаолиятимиз давомида ана шундай ҳолатларга ҳам гувоҳ бўламиз.

(Давоми иккинчи бетда)

Ўқув машғулоти

Ўтган ҳафтада Адлия вазирлигининг «Ҳуқуқий билимлар» кунига бағишланган ўқув машғулотига таниқли навоийшунос олим, филология фанлари доктори, академик Азиз Қаюмов ташриф буюрди.

Таъкидлаш жоизки, Алишер Навоий халқимизнинг онг ва тафаккури, бадиий маданияти тарихида бутун бир даврни ташкил этадиган буюк шахс, миллий адабиётимизнинг тенгсиз намояндаси, миллатимизнинг ғурури, шаъну шарафини дунёга тараннум қилган ўлмас сўз санъаткоридир.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, туркий ва форсий тилда сўзловчи бирон-бир инсон йўқки, у Навоийни билмаса, Навоийни севмаса, Навоийга садоқат ва эътиқод билан қарамаса.

Буюк шоиримиз фаолияти ва ижодига назар ташласак, унинг даҳоси ижтимоий ҳаётнинг, мафкура ва маданиятнинг барча соҳаларини қамраб олганидан ҳайратга тушамиз.

Агар бу зотни авлиё десак, у — авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак — мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак — шоирларнинг султонидир. Инсон қалбининг қувончу қайғусини, эзгулик ва ҳаёт мазмунини Навоийдек теран ифода этган шоир жаҳон адабиёти тарихида камдан-кам топилади.

Инсоний ишқ-муҳаббат, меҳру вафо, иффат, шарму ҳаё ва назокатни ёниб, ҳассослик билан куйлаган Навоийнинг гўзал сатрларини ўқиганда буюк ва олижаноб қалб садоларини сезиб турамиз. Бу юрак туғёнлари, мана, орадан беш ярим асрдан зиёдроқ вақт ўтса ҳамки, миллионлаб одамларни ҳаяжонга солиб келмоқда.

Ўқув машғулотида академик Азиз Қаюмов Навоий даҳосининг турли қирралари ҳақида сўзлади ва машғулот қатнашчиларининг саволларига жавоб берди.

Умида ЭРГАШЕВА

Инсон ўз ҳаёти давомида яхши кунлар билан бирга ташвишли дамларни ҳам бошдан кечиради. Ҳар бир фуқаронинг манфаати эса, аввало, жамият, юрт манфаатлари билан узвий боғлиқдир. Ўз манфаатини умумманфаатига зид қўядиган, ғаразли мақсадда жиноят содир этадиганлар эса қонунга рўбарў келишлари тайин.

Qaror va ijro

Эркин яшаш имкони

Бухоролик Мунис Болтаев ўзининг ноқонуний хатти-ҳаракати туфайли «Қозонга ёндашсанг қораси юқар», деган халқ ҳикматини ўз қилмиши билан «исботлади». У катта ёшдаги йигитларга эргашиб, босқинчилик жиноятини содир этганини билмай қолди. Ўтган йили суд томонидан икки йил муддатга озодликдан маҳрум этилган М.Болтаев «Амнистия тўғрисида»ги қарордан сўнг қамоқ жазосидан озод этилди. Мунисниг қувончи чексиз. Бу хушхабарни унинг қариндош-уруғлари ҳам севинч ёшлари билан қутиб олишди.

Дарҳақиқат, Олий Мажлис Сенатининг 2006 йил 1 декабрдаги **«Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўрт йиллиги муносабати билан Амнистия тўғрисида»**ги қарори билиб-билмай жиноят кўчасига кириб қолган кўплаб юртдошларимиз учун чинакам ғамхўрлик, бағрикенглик намунаси бўлди.

Мунисниг олдида энди катта ҳаёт турибди, у ўқиши, илм-ҳунар эгаллаши, меҳнат қилиши лозим. Яхшиларга эргашса, ҳаётда ўз ўрнини топиб кетиши муқаррар. Орзу-ниятларини амалга ошириш учун унга имкон берилди, бу ёғи энди унинг ўзига боғлиқ.

Амнистия – бу давлатимизнинг инсонпарвар сиёсати тасдиғи, билиб-билмай жиноят содир этган фуқароларга эркин яшаш учун берилган имконият. Бу имконият қадрини англаш ва ундан инсоний фазилатларни намоён этиш йўлида фойдаланиш эса, ҳар кимнинг инсофу виждонига ҳавола.

Ботир НОРОВ,
ҳуқуқшунос

Tahlil va saboq

Биз сизга елкадошмиз, сиз-чи?..

ёхуд 2007 йил обунаси ҳақида аччиқ, аммо очиқ гаплар

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Учинчидан ва энг асосийси, жойларда ёз-ёз ва шикоятбозлик ҳолатлари кўпайишининг сабаби, фуқароларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билмасликларига бориб тақалади. Бу борада эса истаганингизча мисол топиш мумкин.

Дейлик, ўтган ойда таҳририятга Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон тумани, Н.Боймуродов номидаги жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган "Қўлдовли" маҳалласида истиқомат қилувчи фуқаро Г.Имомқулова собиқ турмуш ўртоғидан фарзандлари учун суд қарори билан белгилаб қўйилган алиментни ўз вақтида ололмаётгани хусусида шикоят йўллаган. Ваҳоланки, Г.Имомқулова ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билганида бу ҳақда таҳририятга эмас, балки тумандаги шу соҳага масъул бўлган ҳуқуқ-тартибот идораларига мурожаат қилган бўларди. Ана шунда ўз вақтида ортиқча текшириш, асаббузарлик, аризабозлик ва энг асосийси, қонунбузилиш ҳолатининг олди олинган бўларди.

Ёки яна бир мисол.

Таҳририятга Сурхондарё вилояти Термиз шаҳри, "Тараққиёт" кўчасидаги 26- уйнинг 3-хонадонида яшовчи газетхон Муҳаббат Муратова мактуб йўллаб, уй-жой масаласидаги муаммоли вазиятга ойдинлик киритиб, унга ёрдам беришимизни сўраган. Ваҳоланки, у ҳам бу борада таҳририятга эмас, аксинча, фуқаролик ишлари бўйича Термиз шаҳар судига мурожаат қилиши лозим эди. Кўриб турганингиздек, бу фуқаро ҳам қонунларни яхши билмагани сабабли ёрдам сўраб, таҳририятга мурожаат қилган.

Шунингдек, Тошкент вилояти, Оҳангарон шаҳридаги 2-даҳа, 2-уйнинг 36-хонадонида истиқомат қилувчи фуқаро Тўйчибой Давронов ўзининг ноҳақ ишдан бўшатилгани ҳақида, Хоразм вилояти, Шовот тумани "Дўстлик" ширкат хўжалигининг 8-бригадасида яшовчи газетхон иш ҳақини ололмаётгани ҳақида, Самарқанд вилояти, Ургут тумани, О.Узоқов номидаги ширкат хўжалиги ҳудудида жойлашган "Терсак" қишлоғида истиқомат қилувчи фуқаро Санам Холиқова эса ажрашиб кетган оиласини тиклашда ёрдам беришни сўраб таҳририятга мурожаат қилган.

Албатта, фуқаро ўзи истаган идора ёки ташкилотга ариза, шикоят ёки таклиф билан мурожаат қилиши мумкинлиги қонун асосида мустаҳкамлаб қўйилган. Биз ҳам у ёки бу фуқаро бизга нотўғри ариза йўллаган, дейиш фикридан йироқмиз. Шунинг учун ҳам амалдаги қонунчиликка асосан, қоларверса, журналистиканинг "хат ортида инсон бор", деган ёзилмаган қонунига кўра, ким томонидан ва қай мазмунда йўлланган бўлишидан қатъи назар, бирор-бир аризани беэътибор қолдирмаймиз. Бизга ишониб, таҳририятдан ёрдам сўраб, мактуб йўллаган фуқароларнинг шикоятларини имкон даражасида газета саҳифаларида чоп этамиз ёки назоратга олиб, мутасадди идораларга юборамиз. Хуллас, қандай йўл билан бўлмасин, газетхоннинг ишончини оқлаш ва унга кўмак беришга ҳаракат қиламиз.

Лекин шу ўринда юқоридагидай аризалар хусусида андаккина мулоҳаза юритиш ҳам зарар қилмайди, назаримизда. Маълумки, бирор-бир муаммо юзасидан журналистик текширув ўтказиш, мақола тайёрлаш ва уни газета саҳифаларида чоп этиш, ўз-ўзидан бўлиб қоладиган осон ишлар сирасига кирмайди. Чунки бир муаммо юзасидан текшириш ўтказиш учун энг аввало вақт, кейин жойларга чиқиш учун маблағ, қоларверса, мақола тайёрлаш ва уни чоп этиш учун эса куч сарфланади. Шунингдек, таҳририят томонидан назоратга олиб, тегишли идораларга юборилган шикоят-аризаларни текшириш учун ҳам худди юқорида таъкидлаганимиздек, вақт, маблағ ва бирор-бир мутахассиснинг билими керак бўлади. Энг асосийси, арзимаган муаммони ҳал этиш учун давлатнинг қанчаданқанча маблағи ҳавога совурилади. Ваҳоланки, биз юқорида исм-шарифларини зикр этиб ўтган фуқароларнинг муаммолари ўз туман ва шаҳарлари миқёсида бемалол ҳал этилиши мумкин. Улар қонуни яхши билмасликлари натижасида ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишни сўраб жойлардаги фуқаролик ишлари бўйича судларга эмас, таҳририятга ариза йўллашган.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, модомики биз ҳуқуқий демократик жамият қураётган эканмиз, энг аввало, ана шу жамиятнинг аъзолари, яъни фуқароларининг ҳуқуқий онгини оширишимиз керак бўлади. Албатта, бу борада Адлия вазирлиги, жумладан, вазирлик нашри ҳисобланмиш "Инсон ва қонун" ҳуқуқий газетаси ҳам бир қатор ибратли ишларни амалга оширмоқда. Вазирлик томонидан жойларда ўтказилаётган тадбирлар, газета саҳифаларида чоп этилаётган туркум мақолалар, айнан фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ошириш ва ҳуқуқий маданиятини шакллантиришга қаратилган ва қаратилмоқда. Шунга қарамасдан, ҳали бу борада амалга оширилиши лозим бўлган бир қатор муаммолар борки, улардан ҳам кўз юмиб бўлмайди.

Маълумки, таҳририят фуқароларнинг ҳуқуқий билимини ошириш, уларга қонунлар ҳақида тушунчалар бериб бориш ва амалдаги қонунчилик янгиликларидан доимий равишда хабардор қилиб боришга ҳаракат қилади. Бу шу пайтгача

газета саҳифаларида чоп этилган ва бундан кейин эълон қилиниши режалаштирилган мақолаларда ҳам ўз аксини топмоқда.

Лекин яқинда, газетамизга обуна билан боғлиқ статистикани шу йилнинг 1 февралига қадар бўлган аҳвол билан таниишиб, кўнглимизда бир қатор саволлар туғилдики, айнан шу сабаб аччиқ бўлса-да, очиқроқ мулоҳаза юритишни лозим топдик.

Келинг, шу ўринда ўқувчиларимизни ҳам "Ўзбекистон почтаси" очиқ турдаги акциядорлик жамияти ва "Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компаниясининг вилоят бўлимларидан олинган айрим рақамлар билан таништириб ўтайлик.

2007 йил 1 февраль ҳолатига кўра, Сурхондарё вилояти бўйича "Инсон ва қонун" газетасига турли идора ва фуқаролар томонидан 261 та обуна бўлинган. Бу ўринда бир вилоят учун 261 та газета кам ёки кўп, деб мулоҳаза юритиб ўтирмасдан, айрим туманлардаги ҳолатларга назар ташласак, аҳвол яна-да, яққолроқ намоён бўлади. Мисол учун, Бандихон туманида истиқомат қилувчи фуқаролар ва ҳуқуқий идоралар 2007 йилда бирор дона ҳам "Инсон ва қонун" газетасини олишмайди. Янаям аниқроқ айтганда, туманда "Инсон ва қонун"га умуман обуна бўлинмаган.

«Қизириқ»ликлар ҳам бандихонликларни "қўллаб-қувватлашган" шекилли, бор-йўғи 3 дона обуна бўлинган. Худди шунингдек, вилоятнинг Бойсун, Олтинсой, Музрабод туманларида ҳам обуна ишлари ўлда-жўлда. Фақатгина Термиз шаҳридагина обуна нисбатан яхшироқ йўлга қўйилгани боис, бугунги кунда термизликлар 136 дона газета олишмоқда.

Энди Сурхондарёга қўшни бўлган Қашқадарё вилоятини олиб кўрайлик. 2007 йилнинг 1 февраль ҳолатига кўра, вилоятда "Инсон ва қонун" газетасига 120 дона обуна бўлинган. Энг ачинарли томони, ана шундан бор-йўғи 23 обуначи 12 ойга, қолган обуначилар эса 3, 6 ой ва 11 ойга обуна бўлишган. Бу ерда ҳам туманларнинг аҳволи қўшни Сурхондарё вилоятидан қолишмайди. Яъни Деҳқонобод ва Касби туманларида 5 тадан, Миришкор туманида 4 та, Китоб туманида 9 та, Нишон туманида 7 та обуна қайд этилган.

Навоий вилоятида эса 2007 йил учун 144 та газетага обуна бўлинган. Бу вилоятда ҳам Конимех, Қизилтепа, Учқудуқ туманларида бор-йўғи 3-4 дона газетага обуна бўлишган.

Худди шунингдек, Бухоро вилоятининг Пешку туманида «Инсон ва қонун» газетасига бирор дона ҳам обуна қайд этилмаган бўлса, бошқа бир қатор туманларда обуна 10-20 донадан ошмаган. Жиззах ва Қорақалпоғистон Республикасида ҳам юқоридагидай ҳолатларни кузатиш мумкин.

Ана энди шу ўринда яна бир карра дўппини олиб қўйиб, мулоҳаза юритиб кўрайлик. 2006 йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, мамлакатимизда 339.864 та кичик корхона, 67.224 та хусусий корхона, 185.492 та фермер хўжаликлари фаолият юритаётир. Табиийки, улар доимий равишда ҳуқуқий ёрдам олишлари ва энг асосийси, қонунчилик янгиликлари билан танишиб боришлари зарур. "Инсон ва қонун" ҳуқуқий газетасининг ўз олдига қўйган бош мақсади ҳам шу. Лекин ўзингиз гувоҳи бўлганингиздек, обуна бўлган фуқаро ва ташкилотлар сони юқоридаги рақамларни жуда кам фоизини ташкил этаётир.

Қоларверса, юқорида биз бирор дона ҳам газетага обуна бўлмаган ёки бор-йўғи 3-4 дона газета билан кифояланган туманлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтдик. Ваҳоланки, бу туманларда ҳам адлия тизимига кирувчи идоралар, дейлик, нотариус, ФХДЁ бўлимлари мавжуд-ку. Шу ўринда ана шу туманларда фаолият юритаётган соҳа ходимлари мамлакат адлия тизимида юз бераётган ислоҳотлардан бехабар ҳолда қандай иш юритишаяптийкин, деган ҳақли савол туғилади...

Тўғри, обуна бўлиш ёки бўлмаслик ҳар кимнинг ўз ҳуқуқи. Бугун бировга "сен мана бу нашрга обуна бўл ёки бўлма", деб буйруқ берилмайди. Тоталитар тузум давридаги мажбурий обуна усулидан аллақачон воз кечилган. Лекин бу обуна бўлмаслик керак, дегани эмас-ку?..

Ислом ҲАМРО,
«Инсон ва қонун» мухбири

«Нафақа олиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Конституцияси томонидан кафолатланган бўлиб, банк фуқаронинг бу ҳуқуқини чеклашга ҳақли эмас. Унинг 19-моддасига биноан, бу суднинг ваколатидаги масаладир. Сизнинг 2006 йил 1 январдаги 16-сонли буйруғингиз банк ваколатига кирмайди ва чиқарилган буйруқ банкда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини чеклаш билан боғлиқ номақбул амалиётни жорий этган. Натижада фуқароларнинг асосли норозилигига сабабчи бўлган. Шу боис мазкур буйруқ бекор қилиниши лозим».

Dakki

Антиқа қарор

Сирдарё вилоят адлия бошқармаси бошлиғи Хайриддин Файзиев Удовныченконинг шикоятномаси билан батафсил танишиб, мавжуд аҳволни ўрганиб чиққач, 2007 йилнинг 19 январида Давлат Тижорат (бундан кейин Д.Т-муаллиф) Халқ банки Гулистон шаҳар бўлими бошқарувчиси Адхам Султоновга юқоридаги ёзма кўрсатмани жўнатди.

Хўш, бошқарма бошлиғининг бундай қатъий қарорга келишига нима сабаб бўлди? Удовныченко вилоят адлия бошқармасига нима сабабдан мурожаат этди? Умуман, муаммо қандай пайдо бўлди?

Ҳамма гап шундаки, 2006 йилнинг 1 январида Д.Т. Халқ банки Гулистон шаҳар бўлими бошқарувчиси А.Султонов «антиқа» бир қарорга имзо чекди. Унинг баёни қуйидагича:

«Д.Т. Халқ банки Сирдарё вилояти филиали амалиёт бўлимининг 16-сонли ички буйруғи.

1 январь 2006 йил

Гулистон шаҳри

Гулистон шаҳар Халқ банки Амалиёт бўлими ходимларига:

Аҳолининг коммунал тўловлардан қарздорлиги республика миқёсида, шу жумладан, вилоятда ҳам ўсиб бораётганлиги, қарздорликни камайтириш бўйича тадбирлар натижа бермаётганлиги сабабли фуқароларнинг розилигини олган ҳолда, нафақа тўловларидан қарзларни ундириш чоралари кўрилсин».

Худди мана шу қарор туфайли Бош Қонунимизнинг 19-моддаси қўпол тарзда бузилди. Кўпчилик норози бўлиб, ваколатли идоралар эшигини қоқа бошлади. Жумладан, Оксана Александровна ҳам шундай йўл тутишга мажбур бўлди. Бу вақтда эса Халқ банкининг Гулистон шаҳар бўлимида «ишлар гуриллаб» кетганди. Банк орқали нафақа оладиган барча фуқаролар 16-сонли буйруқ «шарофатидан бебаҳра» қолмади. Ходимлар фуқароларнинг рози-норозилиги билан ҳисоблашмай, «ғайрат» билан қарз ундиришга киришиб кетишди.

— 2006 йил 25 декабрь куни Халқ банкининг Гулистон шаҳар бўлимига боламнинг икки ёшгача тўланадиган нафақа пулини олишга бордим, — дейилади Удовныченконинг шикоятномасида. — Аммо банк ходими Ш.Наврўзов менга коммунал тўловлар учун 7000 сўм тўлашим лозимлигини, йўқса, 16-сонли буйруққа асосан, нафақани бермаслигини айтди. Бериладиган 24810 сўмнинг 7000 сўмини банк олиб қолса... Бу қандай гап, ахир?! Коммунал тўловларни иложи борича ўз вақтида тўлаб келяпман. Мен Наврўзовга шу ҳақда айтиб, нафақадан камроқ олиб қолишини илтимос қилдим. Аммо у бунга кўнмади ва барибир 7000 сўм ушлаб қолди. Шундан сўнг бу ҳолат юзасидан ўзимизнинг «Навбаҳор» фуқаролар йиғини раҳбариятига ҳам мурожаат қилдим. Аммо биронбир жўяли жавоб ололмадим.

Юқорида баён этилганидек, вилоят адлия бошқармасининг саъй-ҳаракати билангина адолатсизликка барҳам берилди. 16-сонли «ғаройиб» буйруқ бекор қилинди.

Муаммога доир ҳужжатларни ўрганиш чоғида яна бир қатор қизиқ ҳолатларга дуч келдикки, уларни айтиб ўтмасликнинг сира иложи йўқ. Маълум бўлишича, шикоятчи Удовныченконинг тўловлардан қарзи бўлсаби-бўлмаса, банк 2006 йилнинг октябрь ойида фарзандининг нафақа пулидан 2000 сўм, ноябрда 3000 сўм, декабрь ойида эса 4000 сўм ушлаб қолинган.

Яна бир гап. Адлия бошқармасининг тақдимномаси киритилган куниёқ Д.Т. Халқ банки Сирдарё вилояти филиалида умумий йиғилиш ўтказилган ва юқоридаги каби қонунбузилиш ҳолатларига қайта йўл қўймаслик, айбдорларга нисбатан интизомий жазо чоралари кўриш ҳақида йиғилганлар томонидан хўп ва кўп гапирилган. Бу йиғинда юқоридаги қонунбузарлик ҳолати ҳақида кўпроқ сўз юритган ва айбдорларни қаттиқ танқид қилган филиал ҳуқуқшуноси У.Суюндиковнинг ўзи, наҳотки, бу кўпол қонунбузарликдан бехабар бўлса?! Тегишли қонунчиликка зид буйруқ чиқарилса-ю, бундан ҳуқуқшунос бехабар қолса... Ахир, у ҳам масъул раҳбарлардан бири саналади-ку!

Қайта-қайта тилга олинаётган 16-сонли буйруқнинг яна бир ғаройиб томони шундаки, у 2006 йилнинг 1 январи — дам олиш — байрам кунида «дунё юзини кўрган». Д.Т. Халқ банки Сирдарё вилоят филиали Гулистон шаҳар бўлими раҳбари А.Султонов қонунчиликка умуман зид ҳужжатни худди шу куни имзолаган. Бу унга нимага керак бўлдийкан?! Ёки масаланинг биз илғамаган сирли томонлари ҳам борми?!

Хуллас, 16-сонли буйруқ 2006 йилнинг 1 январида имзоланди ва 2007 йилнинг 1 февралида Д.Т. Халқ банки Сирдарё вилоят филиали умумий йиғилишида бекор қилинди. Бу муддат асносида одамлар, хусусан, нафақахўрларнинг ҳақ-ҳуқуқлари қўпол ҳолда бузиб келинган. Қизиқ, вилоятдаги соҳа раҳбарлари қаёққа қарашдийкин?!

Тўғри, айбдорларга нисбатан интизомий жазо чоралари кўрилди. Амалдаги қонунчиликка биноан уларга турли миқдордаги жарималар солинди. Лекин... лекин одамлар чеккан маънавий зарарнинг ўрнини нима билан қоплаш мумкин?

Умид қиламизки, Сирдарё вилоятида — хусусан, банк соҳасида бундай салбий ҳолатлар қайта такрорланмайди. Қоларверса, Республика Марказий банки Сирдарё вилоят бошқармасининг масъул раҳбарлари ҳам Халқ банки вилоят филиалидаги аҳвол билан гоҳ-гоҳида танишиб турсалар, юқоридаги каби нохушликларнинг олди олинармиди?

Абдуғаффор ОМОНБОЕВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

Istiqlol va imkoniyat

Тадбиркорга тўсиқ — тараққиётга тўсиқ

дейди Қашқадарё вилоят Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳудудий бошқармаси бошлиғи Собир САИДОВ

— Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 30 апрелдаги 3602-сонли «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонига кўра, ҳудудий бошқарма фаолияти янада кенгайди. Тузилмадаги ислоҳотлар вилоят иқтисодий аҳволига қандай таъсир қилди?

— Маълумки, ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий ривожланишида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Сўнгги бир неча йил ичида Президентимизнинг бевосита ташаббуслари билан тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди. Айтиш мумкинки, юртимизда тадбиркорликни ривожлантиришнинг жаҳон андозаларига мос ҳуқуқий асослари яратилди. Айниқса, **«Тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Фармоннинг қабул қилиниши тадбиркорлик фаолияти ҳуқуқий тизимида алоҳида аҳамиятга эга.

Ҳуқуқий таъсир чоралари қўллашнинг судлар ихтиёрига берилиши тадбиркор манфаатларининг самарали ҳимоя қилинишида ўта муҳим аҳамиятга эга.

Хусусан, Президент Фармонига кўра, янги давлат ташкилотининг тузилиши бошқармамиз фаолиятини тубдан қайта қуришни талаб этди.

Илгари, яъни бошқарма қайта ташкил этилгунга қадар нарх ва тарифларнинг шакллантирилиши ва қўлланилиши устидан назорат олиб борар эдик. Бу эса ўз навбатида кутилган натижани бермасди. Чунки жарималар қўлланилиши монополист корхоналарни молиявий ночор аҳволга солиб қўяди. Натижада бу нархларнинг ўсишига олиб келиб, кўпинча корхоналарнинг йилни зарар билан якунлашларига сабаб бўларди.

Эндиликда бошқармамиз зиммасига монополияга қарши сиёсатни олиб бориш, ночор корхоналарни соғломлаштириш билан бирга тадбиркорлик ва рақобатни қўллаб-қувватлашдек муҳим вазифалар ҳам юклатилди.

— Ўтган вақт мобайнида бошқарма томонидан қандай ишлар амалга оширилди?

— Бошқармамиз корхоналарни монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва банкрот корхоналарни тугатиш, суд бошқарувчилари фаолиятини назорат қилиш каби фаолиятларини **«Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»**ги, **«Банкротлик тўғрисида»**ги, **«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»**ги қонунлар ва Республика Президентининг 2005 йил 30 апрелдаги 3602-сонли Фармони талаблари асосида олиб борди. Вилоятда мулкида давлат улуши бўлган ва йирик хусусийлашган корхоналар молиявий хўжалик фаолияти устидан олиб борилаётган мониторинглар, статистика, солиқ идоралари ҳамда хизмат кўрсатувчи тижорат банкларининг маълумотларига асосан 2 та зарар кўриб ишлаган, 16 та паст рентабелли ва иқтисодий ночорлик аломатлари бўлган корхоналар аниқланди. Мазкур корхоналарнинг айримларини ички имкониятлар ҳисобига молиявий соғломлаштириш ва таркибий ўзгартириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Ўтган йили вилоятдаги зарар кўриб ишлаётган иқтисодий ночор, истиқболсиз, деб топилган 31 та корхона фаолияти бўйича молиявий соғломлаштириш, тугатиш, таркибий ўзгартириш ва ихчамлаштириш ҳудудий дастури тайёрланган эди. Бу йил бунга қўшимча равишда яна 17 та корхона учун худди шундай дастурлар ишлаб чиқилди. Ушбу дастурларнинг ижросини таъминлаш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда.

— Кўзланган натижага эришилаяптими?

— Албатта, ўтган вақт мобайнида ушбу дастурларда соғломлаштирилиши белгиланган 29 та корхонанинг 24 тасида ижобий натижага эришилди. Корхоналарнинг дебиторлик қарзлари ундирилди. Баъзи корхоналарга инвестиция киритилди. Айримларининг эса ишлатилмаётган қувватлари негизида янги ишлаб чиқариш объектлари ташкил этилди. Ана шуларнинг ҳисобига 300 дан ортиқ ишчи ўринлари ташкил этилди. Йигирмадан ортиқ корхонада ўртача ўсиш даражаси 20 фоизни ташкил этди. Жумладан, Шаҳрисабз туманидаги «Оқсарой» корхонаси ички имкониятлари ҳисобидан 127 миллион сўмдан зиёд қарзларидан тўлиқ қутулди. Маҳсулот сотиш ҳажми 9130 миллион сўмни ташкил этди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қарийб уч баробар кўп... Бир сўз билан айтганда, корхонанинг зарарсиз фаолият кўрсатиши таъминланди. Айни пайтда ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси 99 фоизни ташкил этмоқда. Шунингдек, «Китоб сув қурилиш» масъулияти чекланган жамиятида ҳам амалга оширилган соғломлаштириш ва таркибий ўзгартириш чора-тадбирлари натижасида ўтган давр мобайнида 614 миллион сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ишлаб чиқариш ҳажми 4 бараварга кўпайди. Корхонада қўшимча равишда 110 та янги иш ўринлари яратилди.

— Рақобатни ҳимоялаш бўйича олиб борилаётган ишлар хусусида ҳам гапириб берсангиз?

— Рақобатни ҳимоялашда асосий восита бу монополияга қарши қонунчиликдир. Шу жиҳатдан олганда, **«Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»**ги қонун талабларига амал қилинишини таъминлаш, табиий монополия субъектлари ва монополист корхоналар давлат реестрини юритиш, товар ва хизмат бозорларида устунлик мавқеини аниқлаш, рақобат муҳитини ривожлантириш бўйича 52 та таҳлил ўтказилди. Мазкур таҳлиллар натижаларига кўра, табиий монополия субъектлари аниқланиб, реестрга киритилди. Масалан, Муборак «Иссиқлик манбаи, сувоқова ва ободонлаштириш» бошқармасининг асосий фаолияти Муборак туман аҳолиси, корхона ва ташкилотларига иссиқлик энергияси, ичимлик суви етказиб бериш ва канализация хизмати кўрсатишдан иборат. Шу сабабли **«Табиий монополиялар тўғрисида»**ги қонуннинг 10-моддаси ва **«Табиий монополия субъектлари реестри тўғрисидаги Низом»**га асосан Муборак туман «Иссиқлик манбаи, сувоқова» ободонлаштириш бошқармаси табиий монополиялар реестрига киритилди. Бундан ташқари, ўсимликлар карантин хизмати бўйича товар бозори таҳлил қилинганда, Қашқадарё вилояти ўсимликлар карантин Давлат инспекцияси томонидан кўрсатилаётган карантин хизматининг ҳажми ушбу товар бозорларида улуши 100 фоизни ташкил этди. Шу сабабли ҳам ушбу монополист корхоналар ҳам давлат реестрига киритилди.

Шу йилнинг биринчи октябрь ҳолатига кўра, монополист корхоналар давлат реестрида 55 турдаги маҳсулот ва хизматлар бўйича 29 та корхона монополия мавқеига эга.

— Мулоқотимизни тадбиркорлик ва тадбиркорларга яратиб берилаётган қулайликлар ҳақидаги фикрларингиз билан якунласак.

— Тадбиркорликни ривожлантириш ўз навбатида рақобат муҳитини шакллантиради. Бу ўринда кичик ва хусусий бизнес асосий воситалардан бири ҳисобланади. Тадбиркорликни ривожлантиришнинг энг мақбул усули бу уларни хомашё ресурслари билан таъминлашнинг бозор механизмидан самарали фойдаланишдир.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги **«Маҳсулотлар, хомашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида»**ги қарори қабул қилиниши бу борада катта имкониятлар эшигини очди. Эндиликда барча корхоналар, уларнинг катта-кичиклиги, мулкчилик шаклидан қатъи назар, бозорларга эркин кира оладилар ва хомашё сотиб олишлари мумкин. Бугунгача вилоят Товар-хомашё биржаси ва унга қарашли савдо майдончаларида 57,6 миллиард сўмлик маҳсулот сотилишига эришилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 154 фоиз ёки 20,2 миллиард сўм кўп демакдир. Бундан ташқари, тадбиркорлар ишлаб чиқарган 1,7 миллиард сўмлик маҳсулотлар биржа ва ярмаркалар орқали сотилди. Ва ўз навбатида тадбиркорларга 43,2 миллиард сўмлик моддий техника ва хомашё ресурслари етказиб берилди.

Тадбиркорларга қулайликлар яратиш мақсадида туманларда 6 та савдо майдончалари, 59 та брокерлик идоралари ташкил этилди. Айни пайтда вилоятда 124 та брокерлик идоралари фаолият кўрсатмоқда.

Мустақил юртимизнинг иқтисодий салоҳиятини янада юксалтиришда, бозорларни мўл ва сифатли маҳсулотлар билан таъминлашда тадбиркорларимизнинг ўзига хос ҳиссаси, ўрни бор. Уларни ҳар томонлама — ҳам иқтисодий, ҳам ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ҳимоялаш лозим. Ана шунда бу борада кўзланган мақсадга эришиш анча осон кечади.

Ойдин АНОРОВА,
«Инсон ва қонун» мухбири

Mulaqat

КРЕДИТ БЕРИЛАДИ

— Фермер хўжалигини кредитлаш ва суғурталаш мумкинми?

Шавкат ЭШИМОВ,
Сирдарё вилояти, Оқ олтин тумани

— Ҳа, мумкин, **«Фермер хўжалиги тўғрисида»**ги қонуннинг 26-моддасида бу ҳақда сўз юритилган бўлиб, унга биноан, фермер хўжалигини, ишлаб чиқариш аҳамиятига молик объектни олиши учун узоқ муддатли кредитлаш ҳамда унинг жорий ишлаб чиқариш фаолиятини қисқа муддатли кредитлаш шартнома асосида амалга оширилади.

Фермер хўжалигини имтиёзли кредитлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Фермер хўжалиги ўзига қарашли ва ижарага олинган ишлаб чиқариш воситаларининг, қишлоқ хўжалиги экинзорлари ва кўчатзорларининг, кўп йиллик дов-дарахтларнинг, етиштирган маҳсулотининг, хомашёнинг, материалларнинг йўқотилиши (нобуд бўлиши), кам чиқиши ёки шикастланиш хавфини, тадбиркорлик хавфини, шунингдек, шартномаларни бузганлик учун ўзининг жавобгарлик хавфини ихтиёрийлик асосида суғурта қилдиради ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартлар асосида суғурта товони (суғурта суммаси) олади.

ИШ СТАЖИГА БОҒЛИҚ

— Солиқ маслаҳатчилари қандай малакага эга бўлишлари керак?

Ғайбулла ОЧИЛОВ,
Жиззах вилояти, Зафаробод тумани

— **«Солиқ маслаҳати тўғрисида»**ги қонуннинг 15-моддасида малака сертификати ҳақида сўз юритилган бўлиб, солиқ маслаҳати бўйича фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жисмоний шахсга бериладиган малака сертификати билан тасдиқланади.

Малака сертификати чекланмаган муддатга берилади ва Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ҳақиқийдир.

Бундан ташқари, ушбу қонуннинг 16-моддасида малака талаблари ҳақида сўз юритилган бўлиб, ушбу моддага мувофиқ, малака сертификатини олиш учун қуйидаги талабларга жавоб берадиган:

Олий маълумотга эга бўлган;

Солиқ маслаҳатчиларини тайёрлаш бўйича махсус ўқув курсини ўтаган;

Камида беш йиллик иш стажига, шу жумладан, иқтисодий ёки юридик мутахассислик бўйича камида икки йиллик стажга эга бўлган шахс талабгор бўлиши мумкин;

Солиқ маслаҳатчиларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича махсус ўқув курсини белгиланган тартибда аккредитация қилинган давлат ва нодавлат таълим муассасалари ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланган ўқув дастури асосида амалга оширади.

Малака талабларига жавоб берадиган шахс малака имтиҳони топширишга рухсат бериш тўғрисидаги ариза билан ваколатли давлат органига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Малака имтиҳонини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланадиган низомда белгиланади.

ҚАБУЛ КУНЛАРИ БЕЛГИЛАНГАН

— Мен даъво аризаси билан судга мурожаат қилгандим. Қабулхонадаги котиб аризамни қабул қилмади. Шу тўғрими? Фуқароларни қабул қилиш тартиби қонун билан белгилаб қўйилмаганми?

Кабиржон БАРАТОВ,
Фарғона вилояти, Бешариқ тумани

— Котибнинг хатти-ҳаракати нотўғри. Фуқароларни қабул қилиш тартиби ҳақида **«Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»**ги қонуннинг 8-моддасида айтиб ўтилган бўлиб унга мувофиқ, давлат органларида фуқароларни қабул қилиш ташкил этилади. Фуқароларни қабул қилиш раҳбар ёки бошқа мансабдор шахс томонидан амалга оширилади. Бунинг учун давлат органларида алоҳида бўлинмалар тузилиши мумкин, фуқароларни қабул қилиш учун масъул мансабдор шахслар белгилаб қўйилади.

Қабул белгиланган кун ва соатларда, фуқаролар учун қулай вақтда ўтказилади, қабул жадвали улар эътиборига етказилади.

Фуқаро оғзаки мурожаат этаётганда ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжат кўрсатиши лозим.

Фуқарони қабул қилиш, агар унинг бир неча бор қилган мурожаати асоссиз, қонунга хилоф йўсинда бўлса ёки унинг мурожаати бўйича қарор қабул қилиб бўлинган бўлса, уни рад этиш мумкин.

Давлат органларида фуқароларни қабул қилиш тартиби мазкур органлар раҳбарлари томонидан белгиланади.

Саволларга юридик фанлари номзоди Саломат НИЁЗОВА жавоб берди.

Qonun ijodkorligi

Уй-жой мулкдорлари

уларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш кафолатлари

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Қонуннинг 2-моддаси 1998 йил 24 декабрда қабул қилинган Уй-жой кодексининг бир нечта моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга бағишланган. Жумладан, қонунда кодекснинг 5-моддаси янги таҳрири баён этилган бўлиб, унда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари, **"Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида"**ги қонун мазмунидан келиб чиқиб, қайтадан белгиланган. Бунда давлат уй-жой фонди ва бошқа коммунал объектларга хизмат кўрсатиш ишини ташкил этиш ваколати уй-жой мулкдорлари ширкатларига берилгани муносабати билан бундай ваколат маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан олинмоқда. Қолаверса, амалдаги таҳрирда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз тасарруфидаги ҳудудда коммунал хизматлар тарифи сиёсатини шакллантиришни Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда амалга ошириши белгиланган бўлса, мазкур қонунда бу ваколатни Молия вазирлиги билан келишмаган ҳолатда, маҳаллий давлат ҳокимиятининг ўзи мустақил ҳал этиши белгиланмоқда.

Кодексга **"Кўп квартирали уйдаги яшаш учун мўлжалланмаган жойлар мулкдорлари"** номли 16-1-модда киритилмоқда. Мазкур ўзгартиш **"Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида"** қонунда берилган янги тушунча. Бу тушунча кўп квартирали уйдаги яшаш учун мўлжалланмаган жойлар мулкдорлари ва уларнинг мазкур мулкка бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларини мустаҳкамлашга қаратилган нормалар мазмунини Кодексда ҳам алоҳида тартибда белгилаб қўйиш мақсадида ишлаб чиқилган.

Шунингдек, Кодекснинг 35-моддаси тўртинчи қисми янги таҳрири ҳам ишлаб чиқилган. Унда кўп квартирали уйдаги турар жойни ижарага олган шахс шу турар жойдан фойдаланиш билан бир қаторда умумий фойдаланишдаги мол-мулкдан ҳам қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланиш имконияти ёки умумий фойдаланишдаги мулкка бўлган ҳуқуқи батафсил кўрсатилган.

Кодекснинг 49-модда иккинчи қисмининг, 50-модда саккизинчи қисмининг ҳам янги таҳрири ишлаб чиқилган бўлиб, мазкур ўзгартиш ва қўшимчалар ижара муносабатларини аниқлаштиришга хизмат қилади. Жумладан, янги таҳрирда ижарага берувчи ижарага олувчига лозим даражада шароитни таъминлаб бериш билан бирга, турар жой жойлашган уйнинг яхши сақланишини таъминлашни ҳам ўз зиммасига олади. 50-модданинг янги таҳририда эса, ижарага олувнининг турар жойдан оқилона фойдаланиши ва ижара муносабатлари тартибига амал қилиши ҳамда ижарадаги турар жойга бўлган унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгилаш орқали ижарачининг ижарага олган турар жойга муносабатининг ҳуқуқий асоси аниқ белгилаб берилган.

Умуман, қонунга киритилган уй-жой ижараси масаласига оид ўзгартиш ва қўшимчалар ижара муносабатлари субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгилаш орқали, турар жой ва у жойлашган уйнинг яхши сақланишини таъминловчи қоидаларни назарда тутади.

Кодексдаги яна бир асосий ўзгартиш ва қўшимчалар унинг VIII бўлимини янгича номлаш ва ушбу бўлим моддаларини янги қоидалар билан тўлдиришга қаратилган. Кодекснинг 124-моддаси мазмуни амалдаги таҳрирда фақат турар жой мулкдорларининг умумий фойдаланишдаги объектларга бўлган ҳуқуқларини белгилашга хизмат этган бўлса, янги таҳрирдаги модда мазмуни турар жой мулкдорлари билан бирга яшаш учун мўлжалланмаган жойлар мулкдорларининг кўп квартирали уйдаги умумий мол-мулкка бўлган ҳуқуқларини ва умумий мол-мулк турларини аниқ белгилаб бермоқда. 125-модданинг **"Турар жойга ёки яшаш учун мўлжалланмаган жойга бўлган мулк ҳуқуқи кўп квартирали уйдаги умумий мол-мулкка бўлган улушли мулк ҳуқуқидан ажралмасдир"** тарзидаги қисм билан тўлдирилиши кўп квартирали уйдаги умумий мол-мулкка бўлган улушли мулк ҳуқуқи кўп квартирали уйнинг турар жойи ёки яшаш учун мўлжалланмаган жойига бўлган ҳуқуқнинг таркибий қисми сифатида мустаҳкамланишини, фойдаланувчиларга умумий мулкдан улушли фойдаланишни кафолатлайди. 126-моддадаги **"умумий мулк иштирокчиси"** тарзидаги жумлани **"умумий мол-мулкка нисбатан улушли мулк иштирокчиси"** деган жумла билан алмаштириш орқали уй-жой муносабатларининг ҳуқуқий асосларини аниқ тушунчаларда ифодалашга эришилади. 127-модданинг **"Кўп квартирали уйдаги умумий мол-мулкнинг айрим қисмлари кўп квартирали уйдаги турар жойлар мулкдорларининг кўпчилиги томонидан қабул қилинган қарорга биноан бошқа шахсларга фойдаланишга, арендага берилиши мумкин"** деган янги қисм билан тўлдирилиши кўп квартирали уйдан фойдаланувчилар ўзаро келишиб умумий мол-мулкни фойдаланишга бериши мумкинлигини ва буни кўпчиликнинг фикри устунлиги қоидаси асосида амалга оширишни мустаҳкамлайди.

Уй-жой кодексининг IX бўлимига аниқлик киритилиб, **"Турар жойлар ҳақини, уй-жойни сақлаш харажатларини ва коммунал хизматлар ҳақини тўлаш"** тушунчаси қўлланилмоқда ва 129,132-моддалар номи ҳамда мазмуни ҳам тушунарли тарзда аниқлаштирилмоқда.

Қонуннинг янги таҳрирдаги 132-моддада кўп квартирали уйдаги турар жойларни ва умумий мол-мулкни сақлаш харажатларини тўғридан-тўғри турар жой мулкдори ўз ҳисобидан амалга оширилиши белгиланмоқда. Шунингдек, кўп квартирали уйларга тегишли умумий харажатларни мажбурий бадаллар шаклида турар жой мулкдорлари биргаликда зиммаларига олиши белгиланмоқда. Мажбурий бадаллар миқдорини турар жой мулкдорларининг умумий йиғилиши белгилайди.

Киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар истеъмолчиларга сифатли хизмат кўрсатиш, коммунал хизмат тўловларини ундиришни амалга оширувчилар ўртасидаги муносабатни аниқ ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган. Чунончи, 133-модданинг янги таҳририда коммунал хизматлар учун мажбурий тўловлар тушунчаси ва турлари, шунингдек, истеъмолчиларнинг коммунал хизмат учун тўловларни белгиланган шартномага мувофиқ амалга оширишлари қатъий белгиланган. 134-модданинг янги таҳририда кўп квартирали уйдаги жойларни ижарага, арендага олувчилар томонидан умумий фойдаланишдаги мол-мулкни сақлаш ҳақини ижара, аренда шартномасига мувофиқ қонунда белгиланган муддатда тўлашлари алоҳида тартибда белгилаб қўйилган. Шунингдек, коммунал хизматлар учун мажбурий тўловлар муддатлари аниқ кўрсатилган, қолаверса, муддатида тўланмаган тўловлар учун пеня тўлаш фоизлар миқдори кўрсатилган. 135, 136-моддага киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар уй-жойни сақлаш ва коммунал хизмат ҳақини тўлашда фуқароларнинг айрим тоифаларига ва ижтимоий жиҳатдан ҳимояланмаган, кам таъминланган тоифаларига қонун ҳужжатларида белгиланган муайян имтиёзлар берилишини назарда тутади.

Кодекснинг X бўлимининг номи **"Уй-жой фондини сақлаш"**, деб ўзгартирилмоқда ва бунга мос равишда бўлим моддаларининг номланиши ва мазмунига оид ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритилмоқда.

137-модда **"Уй-жой фондини сақлаш"** деб қайта номланиб, модданинг биринчи қисмида, амалдаги таҳрирда бўлган, уй-жой фондини бошқариш тушунчасини ҳам қамраб олган ҳолда уй-жой фондини сақлаш тушунчаси кенг, тушунарли тарзда берилган.

Моддданинг янги таҳририда, хусусий уй-жой фондини сақлаш харажатларини молиялаштириш мулкдорларнинг маблағлари ҳисобидан, муниципал уй-жой фондини ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондини сақлаш харажатларини молиялаштириш маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан, идоравий уй-жой фондини сақлаш харажатларини молиялаштириш уй-жой фонди ўз тасарруфида ҳамда балансида турган давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши алоҳида тартибда белгиланмоқда. Шунингдек, фавқулодда вазиятлар оқибатида вайрон бўлган уй-жой фондини тиклаш харажатларини молиялаштириш Вазирлар Маҳкамаси қарори асосида амалга оширилиши кўрсатилмоқда.

138-модда **"Уй-жой фондини бошқариш"** деб номланиб, унинг мазмуни мутлақо янгича қоидалар билан тўлдирилмоқда. Жумладан, уй-жой фондини бошқариш тушунчасининг аниқ тарифи берилган, давлат уй-жой фондини, хусусий уй-жой фондини, кўп квартирали уйни бошқариш тартиби ва субъектлари аниқ белгилаб берилмоқда.

139-модданинг номланишига аниқлик киритилиб, **"Уй-жой фондини бошқариш, унга хизмат кўрсатиш ва уни таъмирлаш шартномалари"** тарзида берилмоқда. Модда мазмуни бир қатор янги қоидалар билан тўлдирилган. **"Давлат уй-жой сиёсатининг асослари тўғрисида"**ги қонун 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган бўлиб, бу қонун бугунги кунгача уй-жой фондидан фойдаланиш, сақлаш, уй-жой соҳасидаги мулкчилик муносабатлари, фуқароларни уй-жой билан таъминлаш билан боғлиқ бошқа муносабатларни тартибга солишга хизмат қилди. Лекин бугунги кунга келиб уй-жой соҳасига оид мулкчилик ва муносабатлар шакли ҳамда мазмуни ўзгаргани, қолаверса, мазкур қонунда белгиланган нормалар мазмуни кейинги қабул қилинган бир неча қонунларда мавжудлиги ушбу қонунни бекор қилишни тақазо этди. Ҳақиқатан ҳам, уй-жой фондига оид муносабатларни тартибга солувчи қонунлар, жумладан, "Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши ва бугунги кунгача Уй-жой, Фуқаролик ва Оила кодексларига киритилган уй-жойга оид муносабатларни тартибга солувчи ўзгартиш ва қўшимчалар **"Давлат уй-жой сиёсатининг асослари тўғрисида"**ги қонундаги нормаларда ҳам мавжудлиги, бундай такрорланишларнинг олдини олиш мақсадида ушбу қонун ва уни амалга киритиш тартиби тўғрисидаги Олий Мажлис қарори ҳамда 2001 йил 12 майда қабул қилинган **"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги қонуннинг XI бўлими ўз кучини йўқотди.

Шунингдек, қонуннинг 4-моддасида Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат қарорларини ушбу қонунга мувофиқлаштириши, давлат бошқаруви органларига ушбу қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш ва бекор қилишлари вазифаси юклатилган. Қонуннинг 5-моддасида ушбу қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кириши белгиланган.

Мазкур қонун жамиятни янгилаш ва демократлаштириш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш шароитида хусусий уй-жой мулкдорларини ҳимоя қилиш, кўп квартирали уйдаги умумий мол-мулкка бўлган ҳуқуқни амалга оширадиган субъектларнинг ўзаро манфаатдорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Дилшод КАРИМОВ,
Нодир МУХТОРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти ходимлари

XXI АСР НАФАСИ



68 ҚУРБОН ВА 170 ЯРАДОР



Ироқ пойтахти Боғдодда ҳамон қурбонлар бор. Сўнгги маълумотларга қараганда, ўтган ҳафтада юз берган портлашлар натижасида Боғдодда 68 нафар бегуноҳ фуқаро қурбон бўлган ва 170 нафардан ортиқ фуқаро турли даражада тан жароҳати олган.

Расмий маълумотларга кўра, ўтган ҳафтанинг сўнгги кунларида Ироқ пойтахти Боғдоднинг Шуржа бозорида юз берган портлаш натижасида 59 нафар Ироқ фуқароси қурбон бўлган, 150 нафардан ошиқ фуқаролар турли даражада тан жароҳати олган. Айни пайтда Ироқ полицияси портлаш содир этган гуруҳларни аниқлаш билан шуғулланмоқда

ЕТТИНЧИ ВЕРТОЛЁТ УРИБ ТУШИРИЛДИ

Якшанба куни Ироқ пойтахтининг шимолида АҚШнинг "Apache" русумли вертолёти жангарилар томонидан уриб туширилди, деб хабар қилади "Reuters" ахборот агентлиги. Бу ҳақда АҚШнинг Ироқдаги ҳарбий кучлари қўмондонлиги бирор-бир ахборот бермаган.

Гувоҳларнинг айтишига қараганда, бортида икки нафар учувчи бўлган вертолёт Боғдод пойтахтидан 20 километр узоқликда уриб туширилган. Расмий маълумотларга кўра, бу Ироқда сўнгги уч ҳафтада уриб туширилган АҚШнинг еттинчи вертолётидир.

Интернет материаллари асосида Жаҳон иқтисодиёт ва дипломатия университети талабаси Акром УМАРОВ тайёрлади

O`tmish va bugun

Никоҳ

Уни халқимиз азал-азалдан миллий қадрият ҳисоблаган

Миллатимиз ва юртимиз тарихи каби, ўзбек давлатчилигида оила ва никоҳ масалаларининг ҳам ўз тарихи бор.

Никоҳ турли жамиятларда турлича бўлган. Ҳатто милоддан аввалги йилларда минтақамизда шаклланган Алп Эр Тўнга давлатчилиги шароитида ҳам Ўрта Осиё халқлари никоҳ масалаларига жиддий эътибор билан қарашган.

Эрамиздан аввалги уч мингинчи йилларда Хоразм мустақил давлат бўлганлиги ва бу давлатда никоҳ масалалари ёзма қонунлар асосида тартибга солинганлиги тарихдан бизга маълум. Ўша даврда мамлакатимизда ҳали бирон-бир Европа мамлакатлари тарихида учрамаган "Авесто" қонунлар тўплами мавжуд бўлган. Ўн икки минг қорамол терисига олтин ҳарфлар билан икки миллион шеърий мисраларда ёзилган Ўрта Осиёнинг бундай ноёб ёдгорлигининг асосий тамойиллари эзгу фикр, эзгу калом, эзгу амал бўлган ва унда никоҳ масалаларига алоҳида ўрин ажратилган.

VI-VIII асрларга келиб Турк ҳоқонлигида ёзма қонунчилик янада ривож топган. Асосан, фуқаролик, оила ҳамда жиноят ва жазо масалаларини тартибга солувчи Турк ҳоқонлиги қонунлари маҳаллий суғд қонунчилиги билан бир-бирини тўлдириб турган.

Ўша даврлардаёқ бизнинг минтақада никоҳни расмий қайд этиш масалалари Сўғд қонунчилиги билан тартибга солинган. Никоҳ шартнома турк ҳоқонлиги даврида Сўғдда "Қонуний актларни содир этадиган жойда" яъни бугунги тил билан айтганда фуқаролик ҳолатларини қайд этиш органларида расмийлаштирилган. Масалан, никоҳ шартномаси 710 йил 5 мартда Вахгукон ўғли ҳузурида уч нафар гувоҳ иштирокида тузилганлиги ва қонунда белгиланган тартибларда қайд этилганлиги ҳақидаги маълумотлар бизгача етиб келган.

VIII асрларга келиб, минтақамизда ислом ҳуқуқи бўйича фиқҳ олимлари кўпайиб борди. Фиқҳшунослик кенг тараққий эта бошлади. VIII-IX асрлардан бошлаб Мовароуннаҳр фиқҳ мактаби шаклланди. Бу мактаб бутун мусулмон дунёсида шуҳрат топди ва тан олинди.

Бу орада Самарқанд, Бухоро, Хоразм фиқҳ мактаблари ривожланди. Самарқанд ҳуқуқ мактабининг йирик вакили Абу Мансур Муҳаммад ибн Маҳмуд ал Ҳанифий ал Мотурудийдир. У Мовароуннаҳр ва Хуросонда ҳанафия мактабининг кенг ёйилишига ҳисса қўшган ҳадисшунос ва фиқҳ олими бўлиб етишди.

Ҳуқуқий билимлар ва минтақамизда унга бўлган эҳтиёж 1123 йилнинг 23 сентябрида Фарғона вилоятининг Марғилон шаҳрида туғилган Бурҳониддин Али ибн Бакр ибн Абдужалил ал Фарғоний ал Марғинонийни ўша даврнинг энг йирик фиқҳ намояндасига айлантирди.

Мадинада фиқҳдан дарс берган, мусулмон қонунчилиги шарҳига оид машҳур «Ҳидоя» асарини 55 ёшида ёзиб тугатган ал Марғиноний миллатимизнинг ғурурифтихори сифатида нафақат мусулмон оламида, бутун дунёда ўз ўрнини топди.

Унинг «Ҳидоя» қонунлар мажмуасида никоҳ масалаларига алоҳида эътибор ва жуда катта ўрин берилган. Унда никоҳ тузиш шартлари, тартиби, никоҳ тузувчилар ўртасидаги мулкий муносабатлар, эр ва хотин ўртасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳамда улар юзасидан келиб чиқадиган низоларни ҳал қилиш йўллари шариат қонунчилиги мисолида аниқ ёритиб берилган.

Умуман, қайси даврда ва қайси жамиятда бўлмасин, оила ва никоҳ масалалари халқимизнинг энг муқаддас удумлари сирасига кирган ва қадрланиб келган. Эр-хотин ўртасига низо солиш, оилани бузиш ва асоссиз равишда никоҳни бекор қилиш ишларига энг оғир гуноҳ сифатида қаралган.

Маълумки, жамиятнинг маданий даражаси ва маънавий барқамоллиги аёлларга бўлган муносабат билан ўлчанади. Ота-боболаримиздан бизга мерос бўлиб келаётган энг олий қадриятлардан бири аёлларга бўлган эзгу муносабатдир. Узоқ тарихга мурожаат қилсак ҳам аёл улуғланганлигини, қадр топганлигини кўрамиз. Бугунги ислоҳотларга назар солсак ҳам аёл улуғланаётганлигининг, қадр топаётганлигининг гувоҳи бўламиз.

Аёлни эъзозлаш – бу онани эъзозлаш, демакдир. Онани эъзозлаш миллатимиз учун олий қадрият даражасига кўтарилган улуғ фазилатдир. Ҳадиси шарифда "Жаннат оналар оёғи остидадур", деб бежиз айтилмаган. Чунки, она ҳар биримизни тану жонида сақлаб, кўтариб, опичлаб ҳаёт деган улуғ неъматга етакловчи, бу неъматдан баҳраманд этувчи, ватанига, фарзандига, ёрига садоқатли беназир зотдир.

Юртбошимиз оналаримиз, опа-сингилларимизнинг жамиятдаги ўрнига юксак баҳо бериб, **«Оилани ҳам, жамиятимизни ҳам бирлаштириб, унга файзу барокат киритадиган, хонадонимизни меҳр-муҳаббат, нафосат, эзгулик нури билан мунаввар қиладиган зотлар ҳам аслида оналаримиз, опа-сингилларимиздир»,** деб аёлнинг нақадар буюклигини ифода этади.

Оила — муқаддас! Шу ўринда нима учун, деган савол туғилади. Унинг муқаддаслиги аввало қонуний никоҳ ва шу аснода туғилган фарзандлар билан, муҳаббат ва садоқат билан, орномус ва орият билан боғлиқ. Шу сабабли ҳам оила ватанга тенглаштирилади.

Кейинги пайтларда айрим янги оилаларда никоҳга нисбатан енгил қараш ҳоллари ҳам кузатилмоқда ва бу албатта, никоҳни бекор қилиш ҳақида ФҲДЁ органлари ёки судларга мурожаат қилиш учун асос бўлмоқда.

Дарҳақиқат, никоҳ миллий қадриятимиз. Уни авайлаб-асрашимиз, имкон қадар бекор бўлишининг олдини олишимиз зарур. ФҲДЁ органлари ҳам никоҳни бекор қилиш ишларини кўриб чиқиш ҳуқуқига эга орган бўлганлиги боис, бу масалага ўта жиддий ёндошмоғи лозим бўлади. Никоҳни бекор қилиш учун жиддий асослар бор ёки йўқлигини текшириши, уларни яраштириш чораларини кўриши лозим. Миллатимизнинг қадимий урф-одатлари сифатида никоҳни тузиш ҳам, бекор қилиш ҳам шариат қонунлари билан аралаш ҳолда амалга оширилади. Шундай экан, шариат бўйича фақат битта ҳолатда никоҳни бекор қилишга йўл қўйилади. У ҳам бўлса, хиёнат қилиш ва бу хиёнат уч гувоҳнинг кўрсатмаси билан ўз тасдиғини топган бўлиши жоиз. Қолган ҳолатларда томонлар келтирган важлар асос учун қабул қилинмайди.

Бир оилани қуриш нақадар катта савоб бўлгани каби, уни бузиш ундан ўн карра кўп гуноҳ ҳисобланади. Ҳатто, ота-боболаримиз бир қушнинг ёки чумолининг инини бузишга изн бермаганлар. Шундай экан инсоннинг оиласини асоссиз бузиш асло кечириб бўлмайдиган ҳолат, деб қаралмоғи лозим.

Она бўлиш, оналик бахтига муяссар бўлиш, албатта, қонуний ва ҳалол никоҳ билан боғлиқ. Никоҳ маросимларини тантанали ўтказиш, элга тўй бериш халқимизнинг азалий урф-одатларидан бирига айланган. Шу билан бирга яна бир удум сақланиб қолган. У ҳам бўлса, икки никоҳлик, ҳарам-хариш юрадиган, зинокор кишининг никоҳ маросимларига аралашмаслик удумидир. Чунки никоҳ тақвони (тозаликни, покликни, ҳалолликни, беғаразликни) ёқтиради.

Шу боис ҳам янги тузилаётган оилага, муқаддас никоҳ маросимларига ҳалоллик, покизалик, беғаразлик билан кириб бориш, бундай маросимларда ўзини тута билиш, қонунларни тўғри қўллаш, касбий этикага риоя қилиш бугунги кунда фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари ходимларининг асосий бурчи саналади.

Абдукамол РАҲМОНОВ,
Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи

Huquqiy savodxonlik sari

Жамоат айбловчиси ва ҳимоячиси:

ваколат ва кафолат

Одил судловни амалга оширишда жиноят процесси иштирокчилари: судьялар ва халқ маслаҳатчилари, суд мажлиси котиби, прокурор, шунингдек, жамоат бирлашмалари, жамоалар ва уларнинг вакиллари ҳисобланмиш жамоат айбловчилари ва жамоат ҳимоячиларининг роли каттадир.

Жамоат айбловчиси ва ҳимоячисининг ҳуқуқий ҳолати, улар фаоллигининг ҳуқуқий асослари Жиноят-процессуал кодексининг 4-бобида ўз ифодасини топган. Кодекснинг 40-моддасида жамоат бирлашмалари ва жамоаларнинг илтимосномалари жиноят процессида кўрилиши лозимлиги мустаҳкамлаб қўйилган. Жамоат бирлашмалари ва жамоалар, уларнинг раҳбар органлари ҳамда вакиллари содир этилган ёки тайёрланаётган жиноят тўғрисидаги хабар билан суриштирув идорасига, терговчига, прокурорга ёки судга мурожаат этишлари мумкин. Улар айбланувчига ёки судланувчига нисбатан эҳтиёт чораси сифатида жамоа кафиллигига беришни танлаш ҳақида; маҳкумни муддатидан олдин шартли равишда жазодан озод қилиш ёки жазони енгилроғи билан алмаштириш ҳақида; озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганларнинг жазони ўташ шароитларини ўзгартириш ҳақида; судланганликни олиб ташлаш ва бошқа масалалар бўйича ЖПК да назарда тутилган ҳолларда илтимос қилишга ҳақлидирлар.

Жамоат бирлашмалари ва жамоаларнинг жиноят процессида кўрилиши лозим бўлган ариза ва илтимослари асосида суриштирувчи ва терговчи фуқаронинг оғир, ўта оғир жиноятлар тўғрисидаги ишда айбланувчи тарафида иштирок этишга жалб қилингани ҳақида унинг иш, ўқиш ёки яшаш жойидаги жамоага хабар беради. Суд эса, уларни иш бўйича суд муҳокамаси қачон, қаерда ўтказилишидан хабардор қилади.

Қонун айбланувчи фаолият кўрсатаётган жамоа ўз вакилларини судда жамоат айбловчиси ёки жамоат ҳимоячиси тарафида иштирок этиш учун юборишлари мумкинлигини кўзда тутади (ЖПКнинг 41-моддаси). Демократик жамият талабига мос бу муҳим қоида суд ҳукмининг адолатли бўлишига ижобий таъсир этади. Шу боис, жамоат айбловчилари ва жамоат ҳимоячиларини танлаш, кўрсатиш ва судга тавсия этишга алоҳида масъулият билан ёндашиш зарур, бу ишни амалга ошириш ва расмийлаштиришнинг тартиби ЖПКнинг 42-моддасида кўрсатилган.

Қонунда жамоат айбловчиси ёки ҳимоячисининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари мустаҳкамлаб қўйилган. Яъни улар судгача, суд муҳокамасида ва ундан кейин ҳам ўз ҳуқуқ ва бурчларига қатъий риоя этишлари лозим (ЖПКнинг 43 ва 44-моддалари). Чунончи, суд муҳокамасида иштирок этаётган жамоат айбловчиси: иш материаллари билан танишишга; далиллар тақдим этишга ва уларни текширишда иштирок этишга; илтимоснома беришга; тарафларнинг музокараларида сўз олиб, айбловнинг исботлангани ҳақида судга фикр билдиришга, шунингдек, айбловдан воз кечишга ҳақлидир. Қонунда, шунингдек, жамоат айбловчиси суд муҳокамасида иштирок этишга, жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг фикрини судда баён қилиши ва иш ҳолатларини аниқлашга кўмаклашиши шартлиги кўрсатилган.

Умуман, қонун жамоат айбловчиси ёки ҳимоячисига ўзининг қонуний ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириши учун жуда катта ва кенг имкониятлар яратганки, бу демократик жамиятнинг ҳуқуқий табиатига мос.

Даврон ФОЗИЛОВ,
ТДЮИ ўқитувчиси

Сабабсиз оқибат бўлмайди, дейишади донишмандлар. Шунингдек, улар оқибатсиз сабаб бўлмайди, деган сўзни такрорлашни ҳам хуш кўришади. Дарҳақиқат, дунё яралгандан буён шундай. Шу пайтгача бирор-бир сабаб оқибатсиз ёки, аксинча, бирор-бир оқибат сабабсиз бўлмаган. Жумладан, бугун биз ҳикоя қилмоқчи бўлган воқеанинг ҳам ўзига яраша САБАБ ва ОҚИБАТлари мавжуд. Акс ҳолда фарзанд ўз отасининг қотилига айланиб, унинг бўйнига кечириб бўлмас тавқи лаънат тамғаси илинмаган бўларди.

Jinoyat va jazo

Сабаб ва оқибат

ёхуд бир жиноят тафсилоти ҳақида

Суд очерки

Келинг, юз берган воқеанинг сабаб ва оқибатини бир бошдан таҳлил қилиб кўрайлик.

Яқинда жиноят ишлари бўйича Қўнғирот туман суди 1982 йилда туғилган Шуҳрат Қидирбоевни Жиноят кодексининг 97-моддаси 1-бўлими билан айбдор, деб топиб, унга нисбатан узоқ муддатли қамоқ жазоси тайинлади.

Хўш, у қандай жиноятга қўл урган эди?

Нега унга нисбатан Жиноят кодексининг 97-моддаси қўлланди?..

Шуҳрат бор-йўғи эндигина йигирма тўрт баҳорни қаршилаган, яқиндагина уйланган ва энг асосийси, фарзанд кутаётган эди. Ана шундай бир пайтда у ўз отасининг қотилига айланди. Бу мудҳиш воқеанинг содир бўлишига эса оиладаги майда-чуйда келишмовчиликлар ва отасининг ичкилик, деган балои азимга муккасидан кетиши сабаб бўлди. Шуҳратнинг отаси Жоллибой ёшги бир жойга бориб қолган бўлишига қарамасдан, тўй-маъракаларда тинимсиз ичар, ичгани-ку майли, дуч келган одам билан ёқа бўғишарди. Шунинг учун ҳам қўни-қўшни ва овулдошлар Жоллибой ичганини кўришса, ундан етти чақирим айланиб ўтишарди. Бундай пайтларда ичкилик таъсирида ақлини йўқотган Жоллибой уйга келиб ё фарзандларини ёки хотини Ойжонни ўласи қилиб калтакларди. Энг ёмони, Жоллибойнинг бу хурмача қиликларини қариндош-уруғ, қўни-қўшни, маҳалла-кўй, хуллас, ён атрофдагиларнинг ҳаммаси билар, лекин «ёмондан ҳазар», қабилида иш тутиб, уларнинг турмушига аралашишмасди. Вақти келиб, бўй етган Шуҳрат уйланди. Оилага ойдай келин тушди. Лекин қайнота эски қиликларини ташламади. Энди маст бўлиб келганида фарзандлари ва хотини Ойжоннинг қаторида янги келинчакни ҳам ҳақоратлайдиган одат чиқарди. Аввалари отасининг қиликларига тоқат қилиб келган Шуҳрат энди хотинининг олдида уялар, ҳеч ким йўқ пайтларида отасига ёлвориб, бу хурмача қиликларни ташлашини илтимос қиларди...

Умуман, оилада парокандалик бошланганига кўп бўлган. Уриш-жанжалсиз ўтадиган кун йўқ. Катта фарзандлар безор бўлганидан бош олиб чиқиб кетишган. Ҳаммадан Ойжонга қийин. Эридан ҳар куни калтак ейди. Тўй-маъракаларга боришга-да, андиша қилади. «Бир кун жанжал бўлган уйдан қирқ кун барака кетади», деганлари рост экан. Уйдан қутбарака учганига анча бўлган. Ойжон ҳаёти яхшиланишига умид ҳам қилмай қўйган. Эрига насиҳат ҳам, аччиқ гап ҳам кор этмайди. Худонинг ўзи инсоф бермаса бекор...

Кенжа ўғли Шуҳрат ёшлигидан одамови, камгап йигит. Ичидагини тўкиб солавермайди. Гоҳигоҳида отасининг қиликларига чидамай, унга қаттиқ гапиришга мажбур бўлади. Шунда онаси аралашади: «Қўй болам, отанинг қарғиши ёмон бўлади». Шуҳрат ўзини босишга ҳаракат қилади. Оилада вазият кундан-кунга чигаллашиб борар, бунинг оқибати яхшилик билан тугамаслигини Ойжон опа ҳам ич-ичидан ҳис қиларди.

Ўша куни ҳам жанжал арзимаган нарсадан чикди.

Қишлоқдаги тўйдан Жоллибойнинг авзойи бузуқ келди. Ойжон ундан бошқача кайфият кутмаганди ҳам. Келини дарров чой дамлаб келтирди.

— Молларга ем бердингми? — Тўсатдан келинчакка дағдаға қилди қайнота.

— Ҳа, ота, — бош эгди келин.

— Нега емни кичкина идишда бердинг?

— Мен ҳалиги...

— Нега катта идишда бермадинг емни? — Жоллибой энди янги келинчакни оғзига келган сўзлар билан ҳақоратлашга тушди.

— Қўйинг отаси, емни берибди-ку, қайси идишдалигининг нима аҳамияти бор, — гапга аралашди Ойжон.

(Давоми тўртинчи бетда)

Mulohaza uchun mavzu

Сохта «ҳаким»лар

Саломатлик — туман бойлик, дейди халқимиз. Эл орасида ўз касбини пухта эгаллаган, касбига ҳалол ёндашиб, одамлар дардига дармон бўлаётган қўли енгил шифокорлар доимо иззат-ҳурматда. Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида улкан янгиланиш ва ўзгаришлар амалга оширилди, энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган шифохоналар, қишлоқ врачлик пунктлари қад ростлади. Айни пайтда минглаб малакали шифокорлар элимиз сиҳат-саломатлиги йўлида астойдил хизмат қилиб, халқнинг дуосини олишаётир.

Бироқ гуруч орасидан чиққан курмакдек, ўзини «шифокор» дея таништириб, аслида қаллобликни ихтиёр этганлар ҳам учраб турадики, бу, албатта, жуда ачинарли ҳолдир. Энг ёмони, бундай кимсалар яшаш имкони инсонга бир марта берилишини, инсон ҳаёти билан ўйнашиб бўлмаслигини унутиб қўйишади.

Мавжуда опанинг отаси Ўткир бобо икки йилча бетоб бўлиб, тўшакка михланиб қолган эди (исм-шарифлар ўзгартирилган). Шу вақт мобайнида бобо кўплаб шифокорларга кўринди. Охир-оқибат беморга жигар церрози ташхиси қўйилиб, соғайиб кетишига умид қолмаганини айтишганда Мавжуда опанинг қай ахволга тушганини таърифлаш қийин. Ахир, фарзанд ўз отасининг кўз олдида кундан-кунга сўлиб бораётганини кўриб, қўл қовуштириб ўтира олмайди-ку... Шундай оғир кунларнинг бирида қўшнилари: «Бир табиб бор, у фалончини ҳам шифокорлар қайтариб юборганларида даволаган эмиш, сиз ҳам отангизни унга кўрсатинг», дея маслаҳат беришди. Мавжуда опа ўйлаб ўтирмай табибнинг ҳузурига шошилди. Ўша лаҳзаларда унинг кўзига отасининг соғлигидан бошқа нарса кўринмас, фирибгарга дуч келиши эса етти ухлаб тушига ҳам кирмаганди. Рўй берган воқеа ҳақида унинг ўзи шундай ҳикоя қилади:

— 2001 йилнинг ёзида отамнинг аҳволи жуда оғирлашиб қолди. Ўша пайтларда М. исмли табиб шифокорлар соғаймайди, деган бир беморни даволаган экан. Ҳозир оёққа туриб, дард кўрмагандек бўлиб кетибди, деган гап-сўзлар қулоғимга чалинди. Бориб табибга учрашдим. У менга ўзининг бир неча йил чет элларда ишлаб, қўлидан кўп оғир беморлар шифо топгани ҳақида сўзлаб берди ва гапининг охирида аслида тиббиёт фанлари доктори, профессор, эканини қўшиб ҳам қўйди. «Табиблик бизнинг авлодга бобомерос касб», — деб алоҳида таъкидлади. У менга шишачада бир суюқлик берди ва бу дори нобуд бўлган жигар тўқималарини қайта тиклайди, агар отангиз ундан истеъмол қилса, тўрт-беш ойда оёққа туриб, дард кўрмаганек бўлиб кетади, деди. Фақат бу ҳақда отамни даволовчи шифокорларга ҳеч нима айтмаслигимни илтимос қилди. «Мени ҳамкасбларим кўролмайди, агар отангизни даволаганимни билиб қолишса, қаршилик қилишлари мумкин», деди. Мен ҳам бу басавлат, етмишни қоралаб қолган кишининг сўзларига ишондим...

Кейин у ўзи тайёрлайдиган бу дорининг жуда қимматлигини, уни тайёрлаш учун 500 АҚШ доллари сарфланишини айтди. «Мен фақат дори учун пул оламан, хизмат ҳаққи умуман керак эмас, отангиз тузалиб кетгач, дуо қилсалар бўлди», деди ва бемор зудлик билан мана шу дорини истеъмол қилиши зарурлигини уқтирди.

Албатта, бундай вазиятда дорининг нархини ўйлаб ўтирмайсиз. Мен фарзандларимнинг тўйига, деб боқиб юрган иккита бўрдоқи қўй ва яқинда харид қилган телевизоримни сотдим. Етмаганига қариндошуруғлардан қарз кўтардим. Хуллас, амал-тақал қилиб табиб айтган пулни тўпладим...

Табибнинг малҳамидан отам икки ойча ўзини яхши сезди, бироқ кейин яна оғирлашиб қолди. Шундан сўнг уни шифохонага ётқизишга мажбур бўлдим. Аҳволи жуда оғир эди, шифокорлар унинг дардини бироз енгиллатишди.

Бу орада табибга учрашиб, отам оғирлашиб қолди, сизнинг дориларингиз умуман фойда қилмади, дедим. У эса менга кўзларини лўқ қилиб: «Отангиз тузалаётган эди, сиз уни шифохонага ётқизиб бекор қилдингиз», деди ва дори тайёрлаб бериш учун мендан яна 100 минг сўм сўради. Бир амаллаб бу пулни топиб, унга етказдим. Шундан сўнг уни топишнинг иложи бўлмади. Чунки мен қидириб борган уйда у ижарада турган экан...

Табиб билан бўлиб ўтган гапларни шифокорга айтиб бердим. У менга: «Табиб отангизга «гармон» моддасини берган. Бу модда кишини маълум бир муддат қувватлантириб туради. Лекин таъсири кетгач, беморнинг аҳволи аввалгидан ҳам оғирлашиб қолади. Церроз хасталигининг оғир шаклини ҳатто энг замонавий тиббиёт муассаси ҳам даволай олганича йўқ», деб тушунтирди.

Шу воқеадан бери орадан уч-тўрт йил ўтди. Отам қазо қилди. Лекин мени алдаб, пулимни олган табиб ва унга ўхшаш кимсалар ҳали-ҳануз одамларни алдаб юрганди. Яқинда ён қўшним дори-дармон сотиш билан шуғулланадиган «ташкилот»га ишга кирганини айтиб, мақтаниб қолди. Таажжубландим: «Ахир, тиббий маълумотингиз йўқ-ку, қандай қилиб тиббий ташкилотга ишга олишди сизни?» — деб сўрадим. Қўшнимнинг айтишича, у ерда ишлаш учун тиббий маълумот шарт эмас экан. Турли дори-дармонлар хориждан келтирилиб, «ташкилот»нинг ёлланма аъзолари уни сотиш билан шуғулланишаркан. Энг қизиғи, улар қўшнимга 500 АҚШ долларигача маош ваъда қилишибди, — дея суҳбатни якунлади Мавжуда опа...

Яна бир фуқаро — Ғайбулла Мухлисовнинг сохта «ҳаким»лар боис, бошидан кечирган ташвишлари ҳам эшитган кишини ўйлантириб қўяди. Маълум бўлишича, Ғайбулла ака ортиқча семизликдан қутулиш илинжида шифокорга мурожаат қилади. Шифокор зудлик билан вазнини камайтирмаса, қандли диабет хасталигига чалиниб қолиши мумкинлигини айтиб, унга парҳез таомлар рўйхатини ёзиб беради.

Лекин Ғайбулла ака шифокорларнинг маслаҳатига қулоқ солмай, ўзича табиблардан нажот излайди. Сохта табиблар унга парҳезсиз бир ой ичида озиш усулини тавсия қилишади ва 200 АҚШ доллари эвазига қоғоз қопчадаги «дори»ни пуллашади. Бемордан пулни қуртдек санаб олишгач, кўздан ғойиб бўлишади. Ҳақиқатан ҳам, роппа-роса бир ой ўтгач, Ғайбулла ака буткул озиб кетади. Боз устига, соғлиғини йўқотади. Охир-оқибат «Тез ёрдам» машинасида шифохонага олиб келинган Ғайбулла аканинг ҳаётини шифокорлар зўрға сақлаб қолишади. Аниқланишича, у ичган «дори» турли қуртларнинг уруғи бўлиб, қуртлар унинг ичэтини кемириб ётган экан...

Биз ушбу мақолани тайёрлаш жараёнида «Ўзфармназорат» бирлашмасининг Учтепа туман бўлими бошлиғи ўринбосари Шоира Мирсаидова билан учрашиб, суҳбатлашдик. Шоира опа сохта табиблару бетайин «ташкилот»лар беморларга тавсия қилаётган дорилар Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан рўйхатдан ўтмаганини, уларни сотиш ва истеъмол қилиш тегишли идоралар томонидан тақиқланганини айтди.

Албатта, инсон ҳаёти билан ўйнашиб, беморлардан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиб, мўмай даромад олаётган нобакорлар бир кун келиб қонун олдида жавоб беришлари тайин. Лекин уларнинг тузоғига тушмасликнинг бирдан-бир йўли тиббий билими ва тажрибаси бор мутахассислар кўрсатмаларига амал қилишдир.

Хўш, бу масалада Сизнинг фикрингиз қандай, азиз муштарий?!

Зафар ЁҚУБОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, Давлат қўмиталари, уюшмалари ва банклари, давлат ва нодавлат ташкилотлари диққатига!

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ

2006-2007 ўқув йилида битирувчиларнинг республика бўйича вилоятлар кесимида жойлашувини тақдим этади. Малакали ҳуқуқшунос кадрларга эҳтиёжи бор бўлган корхона ва ташкилотлар раҳбарлари йўлланма бўйича ишга юборилишини сўраб, қуйида келтирилган манзилга мурожаат этишлари мумкин.

Маълумот учун телефон: 8(371)133-14-51, 8(371)133-60-92, факс: (371)133-37-48, (371)136-15-23, E-mail:tsil_devonxona@mail.ru

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй, Тошкент Давлат юридик институти.

Тошкент Давлат институтини 2006-2007 ўқув йилида битирувчи бакалаврлар тўғрисида маълумот

№	Таълим йўналиши шифри	Таълим йўналиши номи	Битирувчиларнинг умумий сони		Тошкент ш.		Қорақалпоғистон Республикаси		Андижон		Бухоро		Жиззах		Навоий		Наманган		Самарқанд		Сурхондарё		Сирдарё		Тошкент вилояти		Фарғона		Хоразм		Қашқадарё		Бошқа республикалар	
			Д	Ш	Д	Ш	Д	Ш	Д	Ш	Д	Ш	Д	Ш	Д	Ш	Д	Ш	Д	Ш	Д	Ш	Д	Ш	Д	Ш	Д	Ш	Д	Ш	Д	Ш	Д	Ш
	5380100	Юриспруденция	171	334	45	86	2	2	6	28	28	35	6	17	3	8	7	12	12	15	6	9	6	7	6	26	17	44	15	15	12	30		2
	ЖАМИ		**507**		**131**		**4**		**34**		**63**		**23**		**11**		**19**		**27**		**15**		**13**		**32**		**61**		**30**		**42**		**2**	

Тошкент Давлат юридик институтини 2006-2007 ўқув йилида битирувчи магистрлар тўғрисида маълумот

1	5А 380101	Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи. Сиёсат ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи.	2	12		3				2	1	3						1		2	1					1								
2	5А 380102	Давлат ва ҳуқуқ бошқаруви; маъмурий ҳуқуқ; молия ҳуқуқи.	2	19	1	11							1		1	1				1						1		3		1				
3	5А 380103	Фуқаролик ҳуқуқи; оила ҳуқуқи; фуқаролик процесси; халқаро хусусий ҳуқуқ.	2	18	2	11				4										1		1				1								
4	5А 380104	Хўжалик ҳуқуқи; хўжалик процесси.	2	11		3				1		2		1				1				1			2			1		1				
5	5А 380105	Меҳнат ҳуқуқи; ижтимоий таъминот ҳуқуқи.	2	12	1	8						1						1	1	1								1						
6	5А 380106	Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи; ер, сув, ўрмон ва кон ҳуқуқи; экология ҳуқуқи.	2	13		4		1		4									1			1				1	1			1				
7	5А 380108	Жиноят ҳуқуқи ва криминология; жазони ижро этиш ҳуқуқи.	2	15		6					2	2						1		1								3		1		1		
8	5А 380109	Жиноят процесси; криминалистика ва тезкор қидирув; суд экспертизаси.	1	17	1	4				3				1				1		2		1				1		2		2				
9	5А 380110	Халқаро ҳуқуқ.	2	12		5				1						1				2					1			1	1			2		
10	5А 380111	Суд тизими; прокурор назорати; адвокатура	4	15		3			1	3						1		2	1			1				3	2	1		1				
	ЖАМИ		21	144	5	58		1	1	18	3	8		3		3	1	7	3	10	1	5			3	8	3	12	1	8		3		
			165		63		1		19		11		3		3		8		13		6		-		11		15		9		3			

Эслатма: Малакали ҳуқуқшунос кадрлар тўғрисидаги тўлиқ маълумотларни мурожаат қилган корхона ва ташкилотларга қўшимча равишда тақдим этилади.

Эслатма: **Д** - давлат гранти, **Ш** - шартнома

Денгиз қароқчилари орасида шафқатсизлиги, мардлиги, жасурлиги, бойлиги-ю, омадлилиги билан ўз исмини тарих саҳифаларига муҳрлаб кетганлар кўп. Ғазетамизнинг аввалги сонларида улардан айримларининг ҳаёт йўллари ҳақида ҳикоя қилган эдик. Бугун ҳам ушбу мавзуни давом эттирамиз. Фақатгина бугунги "қаҳрамон"имизнинг таржимаи ҳоли бошқа "сафдош"ларидан анчагина фарқ қилади.

Dunyoning ishlari

"ДЕНГИЗ ЧАҚМОҒИ"

Келинг, яхшиси ҳаммасини бир бошидан бошлайлик.

1650 йилнинг 20 октябрида Франциянинг Дюнкер шаҳарчасида истиқомат қилувчи Бартлар оиласида чақалоқ дунёга келди. Унинг исмини Жан, деб қўйишди. Андаккина ортга қайтиб шуни айтиш керакки, жажжи Жаннинг марҳум бобоси Корнелий Барт қароқчилар кемасининг капитани эди. У ҳам ўз вақтида Франциянинг машҳур қароқчиларидан бири бўлган. Навбатдаги савдо кемаларидан бирини талаш пайтида ҳалок бўлган. Жаннинг отасининг исми ҳам Корнелий бўлиб, у ҳам катта Корнелий, яъни ўз отаси йўлидан бориб, қароқчиликни танлаган ва худди отаси каби тўқнашувлардан бирида ўққа учган...

Жан отаси Корнелий Барт ҳалок бўлган пайтда ўсмир йигитча эди. Оилада онаси, чақалоқ укаси ва Жан қолишди. Энг қизиғи, отабола Корнелий Бартлар қароқчилар кемаси капитани бўлишганига қарамасдан, оила жуда иқтисодий ночор аҳволда яшар, оила бошлиқлари сафардан қайтган кезларда қозонларида гўшт қайнаганини ҳисобга олмаганда, асосан ёвғон шўрва ичишарди. Ўша пайтда тарқалган миш-мишларга асосланиб айтадиган бўлсак, катта ва кичик Корнелий ҳам жуда кўп миқдорда бойлик тўплашгану, лекин бу хазина номаълум оролда қолиб кетган...

Нима бўлганда ҳам, Жаннинг бобоси ҳам, отаси ҳам ҳалок бўлган, оилани эса улардан қолган "улкан хазина" ҳақидаги миш-мишлар билан боқиб бўлмасди. Табиийки, онаси ва укаси Гаспарни боқиш, бир сўз билан айтганда, оиланинг иқтисодий таъминоти катта ўғил сифатида Жаннинг зиммасига тушарди. Жаннинг онаси қайнотаси Корнелий ва эри Корнелийнинг ҳалокатига гувоҳ бўлгандан сўнг ўғлини қароқчилар орасига боришига тиш-тирноғи билан қарши бўлади. Шунинг учун Жан турли ишлар билан шуғулланишга мажбур бўлади. У ошхонада югурдак, молбоқарга ёрдамчи, хат ташувчи, хуллас, ўсмир боланинг қўлидан нимаики келса, барини қилиб кўради. Лекин бу ишлардан топадиган даромади оила тебратиш у ёқда турсин, ҳаттоки, ўзининг қорнини тузук-қуруқ тўйдиришга ҳам етмасди.

Ва ниҳоят, йигирма бир ёшида Жан ҳам бобоси ва отаси каби қароқчилик билан шуғулланишга аҳд қилди. Чунки унинг томирида қайсар қароқчиларнинг қони оқарди. Қолаверса, соҳил бўйида жойлашган Дюнкер шаҳрида бундан тузукроқ ишнинг ўзи топилмасди. Жан онасига ўзининг савдо кемасига оддий матрос бўлиб ишга ёлланганини айтиб, денгизга — қароқчилар орасига йўл олди...

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Жан Барт эндигина йигирма бир ёшга кираётган бўлишига қарамай, жуда бақувват, жасур, шафқатсиз ва ҳар қандай қалтис ҳолатда ҳам тезда бир қарорга кела олиш қобилиятига эга эди. Унинг бу хислатлари тез орада қароқчилар орасида тилга тушди. Орадан бир-икки ой ўтиб-ўтмасдан, аввалига унга худди ёш боладек муомала қилган кекса қароқчилар ҳам ҳурмат назари билан қарай бошлашди. Охир-оқибат у қароқчилар кемасининг капитанига айланди.

Жан Барт ҳақида гап кетганда денгизчилар унинг хатти-ҳаракатларини чақмоққа қиёслашарди. Дарҳақиқат, Жан бошқараётган қароқчилар кемаси мутлақо қутилмаган пайтда ва қутилмаган жойда пайдо бўлар, ўзларидан бир неча баравар яхши қуролланган савдо кемаларига ҳужум қилар, талон-тарож қилиб, қандай қутилмаган ҳолда пайдо бўлган бўлса, худди шундай қутилмаганда ғойиб бўларди. Унинг ортидан тушган турли давлатларнинг қўриқчи кемалари ҳам тута олишмасди. Жан кемасининг тезлиги ҳақидаги гап-сўзлар денгизчилар ва қуруқликдаги аҳоли тилига тушиб, афсонага айланиб кетди. Энди кўпчилик уни Жан Барт эмас, "Денгиз чақмоғи", деб атай бошлади.

Жан бобоси ва отаси Корнелийларнинг акси ўлароқ, топганини елга совурмасдан, бойлик йиға бошлади ва тез орада Франциянинг энг бой ва атоқли фуқароларидан бирига айланди. 1670 йилнинг бошларига келиб, уни бутун Францияда билишар ва исмини ҳурмат билан тилга олишарди. Бу пайтга келиб, Жан Барт ҳатто Франция қироли саройида ҳам ўзига яраша ҳурмат-эътиборга эга эди. Французлар уни ўз миллий қаҳрамонлари даражасида эъзозлашарди.

Албатта, Жан Барт ўз-ўзидан ёки биргина қароқчилиги ортидан бундай ҳурмат-эътиборга сазовор бўлмаганди. 1670-1697 йиллар орасида Франция Англия ва Голландия каби мамлакатлар билан бир неча марта урушишига тўғри келади. Ўша пайтларда бу урушлар асосан баҳри уммонда кечар, ҳар учала давлатнинг келгуси тақдирини денгиз жанги ҳал қиларди. Жан Барт ана шундай урушларнинг бир нечтасида ўз кемаси билан кўнгилли равишда қатнашади ва Франциянинг ғалабасига ўз ҳиссасини қўшади.

Ана шундай жангларнинг бирида Жан Барт ўзининг бор-йўғи икки тўп билан жиҳозланган, ўттиз олти нафар аъзоси бўлган кемаси билан голландларнинг 18 та тўп ва палубасида олтмиш нафардан ортиқ ҳарбий матроси бўлган кемасига ҳужум қилади. Тўғриси, ўша пайтларда ўзидан бир неча баравар яхши қуролланган ва икки баравар кўп денгизчиларга қарши курашиш муқаррар ўлимни бўйинга олиш билан тенг эди. Лекин Жан ҳамиша ўзининг тадбиркорлиги ва омадлилига ишонарди. Бу гал ҳам худди шундай бўлиб чиқди. Жан тузган режа бўйича французларнинг оддий қароқчилар кемаси голландларнинг ҳарбий кемасига бутунлай кутилмаган вақт ва вазиятда ҳужум қилди. Ҳаттоки, голландлар ўз тўпларини ишлатишга ҳам улгурмай қолишди. Тўқнашув тақдирини асосан қўл жанги ҳал қилди. Турли кемаларни талайвериб, қўл жангининг ҳадисини олган ўттиз олти нафар француз қароқчилари кўз очиб юмгунча, голланд ҳарбийларини ер тишлатишди ва уларнинг кемасини ўзларичиқи қилиб олишди. Голландларнинг бу кемаси ва тўплари Жан Бартга кетма-кет ғалабалар ва жуда катта шон-шуҳрат келтирди. Бу ғалабалар эса ўз навбатида уни Франциянинг миллий қаҳрамони даражасига кўтарди.

Бу пайтда Францияни қирол Людовик XIV бошқарарди. Албатта, қирол ҳам Жан Бартнинг қаҳрамонликларини эшитмай қолмади. Қолаверса, ўша йилларда Франциянинг ғалабасини Жан Барт қароқчиларисиз тасаввур қилиб бўлмасди. Шунинг учун ҳам қирол Людовик XIV Жан Бартни Франциянинг ўша пайтдаги энг юксак мукофотларидан бири – олтин занжир билан тақдирлади. Бу мукофот Жан Бартнинг миллий қаҳрамон сифатида расман тан олинишидан далолат берарди.

Бу ўринда Жан Бартнинг Франция тарихида қолишини фақатгина денгиз жанглари билан боғлаш нотўғри бўлади. Чунки у XVII асрнинг сўнгги 40 йиллигида бир неча марта иқтисодий таназзулга учраган Франция ўз шахсий бойлиги эвазига таназзул ботқоғидан қутқариб қолган. Бир сўз билан айтганда, Жаннинг денгиздаги мислсиз ғалабалари Францияни муқаррар мағлубиятдан асраб қолган бўлса, унинг қароқчилик билан орттирган беҳисоб бойликлари қуруқликдаги Францияни сақлаб қолишга сабаб бўлган.

Тарихчиларнинг ҳикоя қилишларича, Жан Барт – "Денгиз чақмоғи" табиатан ўта жиддий ва уятчан бўлган. У ўз қаҳрамонликлари ҳақида гапиришни умуман хуш кўрмаган. Шунингдек, ўзининг ҳузурида унинг ғалабаларини мадҳ этишларини ҳам ёқтирмаган. Бироқ ўзаро суҳбатлар чоғида бировга қаттиқроқ гапиришга ўялган Жан, жанг бошланиши билан бутунлай бошқа, яъни шафқатсиз ва қаттиққўл капитанга айланган. Талончилик пайтида унинг буйруғини икки қилганлар ўта шафқатсиз равишда жазоланган. У рақиблар билан отишма пайтида ўқдан қўрқиб, бекиниб олган ўн икки яшар ўғли Франсуа-Корнелий Бартга берган жазо ҳар қандай кишини ҳайратга солиши, шубҳасиз...

Хорижий матбуот материаллари асосида
И.ҲАМРОЕВ тайёрлади

ЭЪЛОН!

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси Шайхонтоҳур туман 1-сонли ва Мирзо Улуғбек тумани 2-сонли давлат нотариал идораларидаги нотариуслик лавозимига танлов эълон қилади.

Талабгорлар 2007 йилнинг 15 февраль кунига қадар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

а) Комиссия номига ариза;
б) Паспорт нусхаси;
в) Шахсий варақа; (Сўровнома)
г) Меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;
д) Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
е) Малака имтиҳонини топширганлиги ҳақида малака комиссиясининг қароридан кўчирма.
ж) Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.

Манзил: Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани Мухиддинов кўчаси 26 уй.
Телефон: 169-14-45, факс: 162-7041

Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси ҳузуридаги адвокатура бўйича малака комиссиясининг 2006 йил 20 декабрдаги № 7-сонли қарори билан Тошхўжаев Илҳомга тегишли 2000 йил 16 октябрда берилган № SU 000107- сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия бекор қилинди.

Jinoyat va jazo

Сабаб ва оқибат

ёхуд бир жиноят тафсилоти ҳақида

Суд очерки

(Давоми. Боши учинчи бетда)

— Сенинг ишинг бўлмасин, сендан ҳеч ким гап сўрамаяпти,— дея Жоллибой чой солинган пиёлани хотинига қараб отиб юборди.

Жоллибой бу билан ҳам тўхтамади. Ҳовлида ётган таёқни олиб, хотинини ура кетди.

— Ота, ундай қилманг, — ялинди келинчак қайнотасига.

— Қизим, сен кет, таёқ тегиб кетса, ҳомиланг нобуд бўлади, — Ойжон ўзига эмас, келинига ачинарди.

— Ҳали унга раҳминг келяптими, икковингнинг ҳам каллангни оламан, — Жоллибой таёқ зарбини кучайтирди.

Бу пайтда яқиндагина кўричагини олдирган Шуҳрат ичкари хонада ётганди. Шовқинни эшитиб, ҳовлига чиқди. Онасига ёрдам бермоқчи бўлди.

–Ҳа, сени ҳам таёқнинг хумори тутдими? – дея ота уни ҳам савалашга тушди.

— Нима қиляпсиз, операция ўрни йиртилиб кетадику, — дея она шўрлик энди ота-боланинг жанжалига аралашади. Бу орада ота-бола судрашиб уйга киришди. Шундан сўнг Шуҳрат онасига қараб:

— Она, сиз ташқарига чиқинг, ўзим ҳаммасини ҳал қиламан, — деди.

Қайнона-келин ташқарига чиқишди.

— Бўлди, етар, — бақирди Шуҳрат. — Ҳаммамизнинг жонимизга тегиб кетдингиз.

Алам билан ичкарига кирди. Отасининг ИЖ-58 маркали 16-калибрли милтиғи бор эди. Икки дона ўқ олиб, милтиқни ўқлади. Кейин алам устида отасига қараб ўқ узди...

Ташқарига қочиб чиққан онаси ва хотини ўқ овозини эшитиб, қайтиб киришди.

Бу пайтда ота ерда чўзилиб ётарди.

— Нима қилиб қўйдинг, болам? — додлаб юборди Ойжон.

— Мени кечиринг, онажон, — йиғлади Шуҳрат. — Мен бошқа чидолмадим. Сизнинг хўрланишингиз юрак-бағримни эзиб юборди...

Судда гувоҳлар Шуҳратни оқлаб, Жоллибойни қоралаб гувоҳлик беришди. Аммо оқлаб бўладими? Бирон баҳона, мезон падарни отишни ёқлай оладими? Йўқ. Юқорида айтиб ўтганимиздек, суд Шуҳратни узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилди.

– Отамни ўлдирмоқчи эмасдим, — дея судда кўз ёш билан ўзини оқлашга уринди Шуҳрат...

Лекин бу сўнгги пушаймон ҳам, афсус-надомат ҳам отасининг қотилига айланган ўғилнинг жиноятини оқлай олмайди...

Лекин...

Лекин у аслида ҳам отасини ўлдирмаслиги мумкин эди-ку. Бировни уриб, унга тан жароҳати етказиш – жиноят. Агар оила аъзолари Жоллибой уларни ҳақоратлаган, калтаклаган пайтларида қонун ҳимоячиларига мурожаат қилганларида, балки оилада парокандалик бу қадар авж олмаган бўлармиди? Жоллибойнинг бошқа фарзандлари ота қаҳридан қутулиш учун уйдан бош олиб чиқиб кетмасдан, онасига ва укасига раҳм қилиб, отасини инсофга чақиришга уриниб кўришганида, вазият бунчалик чигаллашмаган бўлармиди?

Маҳалла-кўй-чи? Наҳотки, фаоллар бу оиладаги нотинчликдан бехабар бўлсалар? Бунга ишониш қийин. Унда нега, қишлоқ фуқаролар йиғини бу оиладаги вазиятни муҳокама қилмади, аҳволни юмшатиш чораларини кўрмади? Саволлар кўп. Биз бу саволларни бошқа оилаларда ҳам шундай нотинчлик юзага келганда, уни ақлу идрок, қонун йўли билан ўз вақтида бартараф қилиш чораларини кўриш лозимлигини таъкидлаш учун ўртага ташлаяпмиз. Лекин энг асосий сабаб, шубҳасиз, Жоллибойнинг ичкиликка муккасидан кетиши ва оиласидагиларни мунтазам хўрлаши ана шундай хунук оқибатга олиб келди.

Истагимиз, бундай жиноятлар такрорланмасин. Бир лаҳзалик ғазаб оқибатида инсон тубанликка юз тутмасин, унинг келажаги барбод бўлмасин.

М.ИСМЕТУЛЛАЕВ,
Жиноят ишлари бўйича Қўнғирот туман суди раиси,
Б.УЛЛИБОБОЕВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Бобомурод РАЙИМОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Бўритош МУСТАФОЕВ, Абдукамол РАҲМОНОВ, Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Маҳмуд САТТОРОВ, Мавжуда РАЖАБОВА, Ислом ҲАМРО, Хуршид СОДИҚОВ, Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.

Навбатчи: Аслиддин СУЮНОВ

Саҳифаловчи-дизайнер: Фарҳод ХЎЖАНАЗАРОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Буюртма Г-116. Тиражи — 7500.

Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 24.00

МАНЗИЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50

2 3 4 5 6